

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

5440600-ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯДА МЕҲНАТ
ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ**

**КУРСИДАН
ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчилар: г.ф.д., проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.
г.ф.н., доц. Айтбаев Д.П.

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Фан дастури.....	4
2. Ишчи фан дастури.....	16
3. Календар иш режаси.....	20
4. Баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимооти.....	22
5. Таълим технологияси.....	25
6. Маъруза матнлари.....	27
7. Тест топшириқлари.....	56
8. Назорат саволлари.....	63
9. Реферат мавзулари.....	77
10. Курс ишлари мавзулари.....	78
11. Малакавий битирув ишлари мавзулари.....	79
12. Мустақил таълим учун саволлар.....	80
13. Глоссарий.....	82
14. Слайдлар.....	84
15. Адабиётлар.....	90

КИРИШ

“Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” фани 5440600-Гидрометеорология бакалаврият таълим йўналишида ўқитиладиган асосий курслардан бири ҳисобланади.

Ўқув услубий мажмуа қўйидаги таркибий қисмлардан иборат: фан дастури, ишчи фан дастури, календар иш режаси, баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимооти, таълим технологияси, маъруза матнлари, тест топшириқлари, назорат саволлари, реферат мавзулари, курс ишлари мавзулари, малакавий битирув ишлари мавзулари, мустақил таълим учун саволлар, глоссарий, слайдлар ва курсни ўрганишда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Ҳозирги кунга қадар, ушбу курс бўйича, давлат тили – ўзбек тилида биронта дарслик ёки ўқув қўлланма ҳатто, ўқув-услубий қўрсатма ҳам яратилмаган. Бу ҳолат юқорида қайд этилган йўналишнинг ўзбек таълим тилида ўқиётган талабаларига катта ноқулайлик келтириб чиқараётган эди. Шу ҳолатни ҳисобга олиб ушбу мажмуанинг “Маъруза матнлари” қисми кенгайтирилган ҳолда берилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

TAJRIBA-SINOV

Руйхатга олинди
№ _____
2008 йил “ ___ ” _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2008 йил “ ___ ”
_____даги “ ___ ”-сонли
буйруғи билан тасдиқланган

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯДА МЕҲНАТ
ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ
фанининг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 400000 – Фан
Таълим соҳаси: 440000 – Табиий фанлар
Таълим йўналиши: 5440600- Гидрометеорология

Тошкент-2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил “___” _____даги “___”.-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ҳикматов Ф.Ҳ. – “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси мудир,
география фанлари доктори, профессор;
Айтбаев Д.П. – “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси доценти,
география фанлари номзоди.

Такризчилар:

Назирова З.Н. – Гидрометеорология илмий тадқиқот институти
директори ўринбосари, ф.-м.ф.н.
Трофимов Г.Н. – “Қуруқлик гидрологияси” кафедраси профессори, г.ф.д.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий - услубий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил «___» _____даги ___-сонли баённома).

Кириш

Юқори малакали гидрометеорология бакалаврларини тайёрлашда уларга меҳнат фаолияти хавфсизлигидан назарий ва амалий билимлар бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли гидрометеорология йўналиши намунавий ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокдан «Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги» ўқув фани алоҳида ўрин эгаллаган. Ўқув фанининг асосини Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари соҳа касаба уюшмаларининг бўлиб ўтган анжуманлари, съездларининг ҳужжатлари, меҳнатни ва ҳаёт фаолиятини муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар (техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари) ташкил этади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларга инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ва меҳнат шароитини муҳофаза қилишга қаратилган назарий ва амалий билимларни бериш, уларда ишлаб чиқариш унумдорлиги ошириш бўйича билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - талабаларга гидрометеорология соҳаси ходимларининг меҳнат ва ҳаёт фаолиятини муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини, давлат томонидан белгиланган махсус кузатиш ва назорат қилиш органларининг вазифаларини, гидрометеорологик кузатиш ҳамда дала-тадқиқот ишларини ташкил этишда кўриладиган хавфсизлик чораларини ўргатиш ва уларда ушбу тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича малака ва тажриба ҳосил қилишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлигининг асосий атамалари, тушунчалари ва таърифларини; меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг таркибий тузилишини; унинг бўлинмаларида фаолият кўрсатадиган ходимларнинг вазифалари, функционал мажбуриятларини **билиши керак.**

- меҳнат, хавфсизлик техникаси, эргономика, муҳандислик психологияси, техник эстетика ва улар орасидаги боғлиқликни илмий асосда изоҳлаш; гидрометеорологияда ишлаб чиқариш унумдорлиги билан меҳнат муҳофазаси орасидаги боғлиқликни тушунтира билиш; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва меҳнат муҳофазасига оид меъёрий ҳужжатларни гидрометеорология ишлаб чиқариши амалиётига тадбиқ этиш **кўникмаларига эга бўлиши керак..**

- Давлат гидрометеорология хихматида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш; гидрометеорология ишлаб чиқаришида рўй берадиган жароҳатланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш; кўнгилсиз ходисаларни ҳисобга олиш ва уларнинг сабабларини текшириш; бу борада маъмурий-ҳуқуқий органлар билан биргаликда ҳамкорлик қилиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги

“Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” ўқув фани ихтисослик фанлари блокдан ўрин олган бўлиб, 7 - семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасидан ўрин олган математик ва табиий – илмий (олий математика, информатика ва ахборот технологиялари, гидрометеорологияда ҳисоблаш техникаси ва дастурлаш, физика), умумқасбий (мутахассисликка кириш, гидрометрия ва сув кадастри, умумий гидрология, гидрологик ҳисоблашлар ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Бўлажак гидрометеорология бакалаврлари ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятида, жумладан дарёлар, каналлар ва сув омборларида дала – кузатув ҳамда сув ўлчаш ишларини ташкил этишларида, уларда ҳаёт фаолияти ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқишларида “Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” ўқув фанини ўрганиш натижасида эгаллаган назарий ва амалий билимларига таянадилар. Шу жиҳатдан мазкур фан юқори малакали гидрометеорологлар тайёрлаш тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” ўқув фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, бу жараёнда янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, гидрометеорологияда ҳаёт фаолияти ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга оид махсус расмий меъёрий ҳужжатлар, электрон материаллар, слайдлар, кинофильмлар ва кўргазмали куроллардан фойдаланилади, соҳага тегишли муассасаларга ўқув – тажриба экскурсиялари уюштирилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида мавзуга мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади, вазифалари. Фаннинг тадқиқот объекти ва предмети, ривожланиш тарихи. Фаннинг гидрометеорология тизимидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги, мутахассис тайёрлашда тутган ўрни.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий – ҳуқуқий асослари

Меҳнат, хавфсизлик техникаси, эргономика, муҳандислик психологияси, ишонч, техник эстетика ва улар орасидаги боғлиқликни илмий ташкил қилиш. Ишлаб чиқариш унумдорлиги билан меҳнат муҳофазаси орасидаги боғлиқлик. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Меҳнат муҳофазаси нормативларининг классификацияси. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунчилик. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ). Республика ва тармоқлараро қоидалар ва меъёрлар. Меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонунчиликни бузгандаги жавобгарлик.

Давлат кузатиш ва назорат қилиш органлари

Меҳнат муҳофазаси бўйича Давлат кузатиш ва назорат қилиш органлари. Битим ва унинг аҳамияти. Давлат гидрометеорология тармоғида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда муҳандис, техник ходимларнинг ва раҳбарларнинг ўрни. Гидрометеорология соҳасида иш вақти ва дам олишни бошқариш. Етиб бориш қийин жойларда жойлашган станцияларда ва ташкилотларда ички тартиб қоидалари.

Жароҳатланиш ва уни ўрганиш

Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва уни ўрганиш. Жароҳатланиш, касбий захарланиш ва касб касалликларининг кўрсаткичлари. Гидрометеорология соҳасида рўй берадиган жароҳатланишнинг асосий сабаблари, уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар. Бахтсиз ходисаларни ҳисобга олиш ва текшириш.

Меҳнат муҳофазасининг физиологик ва психологик асослари

Меҳнат муҳофазасининг муҳандислик – физиологик ва муҳандислик – психологик асослари. Меҳнат қилишнинг оғир шароитлари таснифи (классификацияси). Санитар – гигиеник меҳнат шароитлари: метеорологик омиллар, захарлилик, чангланиш, газланиш, вибрация, шовқин, ультратовуш, радиация турлари. Психофизиологик меҳнат шароитлари: физик нагрузкалар, кундузги ва тунги ақлий меҳнат турлари ва шакллари, меҳнат қилиш ва дам

олиш тартиби. Чарчаш, Иш қобилиятини ошириш чоралари ва чарчашнинг олдини олиш. Иш жойига қўйиладиган асосий талаблар.

Меҳнат гигиенаси

Микроиклим параметрларини гигиеник баҳолаш. Марказий Осиё шароитида меҳнат гигиенаси. Бориш қийин жойлардаги гидрометеорологик станцияларда ишлашнинг ўзига хослиги. Электромагнит майдонларнинг одам организмига биологик таъсири, улардан сақланиш чоралари. Ультрабинафша нурланиш ва унинг одамга таъсири. Товуш ва унинг одам организмига таъсири (психологик, физиологик, механик). Вибрация ва унга қарши кураш чоралари, Ёруғлик, унинг соғлом ва ҳавфсиз иш шароитларини яратишдаги роли. Сунъий ёруғлик қоидалари ва меъёрлари. Табиий ёруғлик. Индивидуал сақланиш воситалари.

Гидрологик ишларни бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Гидрологик ишларни очик дарё ўзанларида, кўллар акваториясида, сув омборларида ва дарёларнинг қуйилиш жойларида бажариш бўйича техника хавфсизлиги қоидалари. Гидрометрик створларни жиҳозлашда, кузатувларни олиб боришда ва қор ўлчаш ишларини бажаришда, кўчки тушиш ва сел хавфи бор худудларда хавфсизликни таъминлаш. Қирғоқда ва муз устида кузатувларни олиб боришда техника хавфсизлиги қоидалари. Сузиш мосламаларидан фойдаланиш. Сузиш мосламаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари. Аэрологик кузатувларни амалга оширишда хавфсизлик қоидалари.

Метеорологик кузатишларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Метеорологик кузатувларни (ерда, баланд мачталарда, лабараторияларда) олиб боришда хавфсизлик чоралари. Дўлга қарши ишларни бажаришдаги хавфсизлик чоралари. Момақалдиноқ шароитида метеорологик кузатишларни амалга ошириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Метеорологию ўлчов қурилмаларидан фойдаланиш шароитида электрдан жароҳатланишнинг келиб чиқиши ва унинг асосий сабаблари. Электр токининг одам организмига таъсири.

Ёнғиндан сақланиш

Ёнғин жараёни ва моддаларнинг ёниш хусусиятлари. Ёнғиндан сақланиш воситалари. Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари.

Ўзгидрометнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари, ташкилий асослари, уларнинг вазирликлар, идоралар, хусусий корхоналар билан ҳамкорлиги. Мунтазам

гидрометеорологик маълумотлар. Гидрометеорологик кузатиш тармоқлари. Маълумот постлари.

Гидрометеорологик маълумотлар

Гидрометеорологик маълумотларнинг янги турлари. Лаҳзали-тезкор гидрометеорологик маълумотлар. Фавқулодда гидрометеорологик маълумотлар. Тартибли гидрометеорологик маълумотлар. Норматив гидрометеорологик маълумотлар. Прогнозли гидрометеорологик маълумотлар.

Прогнозли гидрометеорологик маълумотлар

Прогнозли гидрометеорологик маълумотларнинг турлари. Узок муддатли гидрологик прогнозларни тайёрлаш шакллари. Қисқа муддатли гидрологик прогнозларни тайёрлаш шакллари. Ўта хавфли ҳодисалар бошланишини олдиндан огоҳлантириш. Аэрокосмик маълумотлар асосида гидрологик прогнозлар. Сув объектларининг бўлажак ҳолатларини халқ хўжалиги ташкилотлари фаолиятида ҳисобга олиш ва ишлатиш учун тавсияномалар.

Гидрометеорологик ахборотлар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Гидрометеорологик ахборотлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий муаммолари. Гидрометеорологик прогнозлар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш алгоритмлари. Гидрометеорология ахборотларидан халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш: қишлоқ хўжалиги, энергетика, авиация, автомобил транспорти, темир йўл транспорти ва балиқчилик, қурилиш, тоғ - кон саноати. Норматив ва прогнозли маълумотлар асосида оптимал хўжалик ечимини қидириш. Статистик ечимлар усули тўғрисида тушунча. Табиий жараёнларнинг стахостик моҳияти. «Йўқотиш» тушунчаси. Йўқотиш функцияси. Йўқотиш функцияларининг хусусиятлари. Хўжалик ечимларини оптимизациялаш (критериялари) мезонлари. Ўртача йўқотишни минималлаштириш. Йўқотиш матричаси. Шартли эҳтимоллар матричаси. Матрица формасидаги оптимизацион ҳисоб.

Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминлашнинг иқтисодий самарадорлиги

Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминотининг иқтисодий самарадорлиги (ИС). Гидрометеорологик маълумотларни фойдалилик имкониятлари. Исни ҳисоблашни умумий (схемаси) тизми. Хўжалик ечимларининг қайтарилишини баҳолаш. Прогноз усулларининг тўла иқтисодий самарадорлиги (ИС). Норматив фойдаланишнинг ИС. Ўзбекистон халқ хўжалигини турли тармоқларида гидрометеорологик таъминотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини таҳлил қилиш.

Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Ҳар бир амалий машғулот, дастлаб ишнинг мақсадини ва мавзуга оид назарий билимларни қисқача ёритишдан бошланади. Сўнг ишни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва қўйилган мақсадни амалга ошириш учун талаб қилинган вазифалар аниқ белгиланиб, ишни бажариш тартиби эса қўйилган вазифалар кетма-кетлигига асосланади. Барча ишлар олинган натижаларнинг таҳлили билан яқунланади. Ҳар бир амалий машғулотни бажариш учун берилган маълумотларга таяниб, талабаларга алоҳида вариантлар таклиф этилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Гидрологик кузатишларда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.
2. Гидрометрик люлкадан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.
3. Метеорологик кузатишларни олиб боришдаги хавфсизлик чоралари.
4. Кўлларда бажариладиган гидрологик тадқиқотларда кўриладиган хавфсизлик чоралари.
5. Қор ва музликларни ўрганишдаги хавфсизлик чоралари.
6. Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.
7. Гидрометеорологик маълумотларнинг фойдалилик имкониятларини ҳисоблаш.
8. Прогноз усуллариининг тўла иқтисодий самарадорлиги(ИС)ни баҳолаш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларни амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишни тайёрлашда “Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабага қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда фаннинг маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда, фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- янги ҳаёт фаолияти хавфсизлиги техникалари, аппаратуралари, жараёнлари ва технологияларини ўрганиш;
 - фаннинг талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган бўлимларини ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
 - масофавий (дистанцион) таълимдан фойдаланиш ва ҳ.к.
- Мустақил иш учун қуйидаги мавзуларни чуқур ўрганиш тавсия этилади:
1. Гидрологик кузатишларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
 2. Гидрометрик створ люлкасидан фойдаланиш қоидалари;
 3. Метеорологик кузатишларни олиб боришдаги хавфсизлик чоралари;
 4. Кўлларда бажариладиган гидрологик тадқиқотларда кўриладиган хавфсизлик чоралари;
 5. Қор ва музликларни ўрганишдаги хавфсизлик чоралари.
 6. Гидрометеорологияда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва унинг иқтисодий самарадорлиги.

Дастурнинг инфор­ма­цион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, янги педагогик ва ахборот – коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Дастурдаги барча маъруза мавзуларини ўтишда таълимнинг замонавий усуллари­дан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “Ёлпиғич”, “Ақлий хужум”, “Масофавий таълим”, “Занжир”, “Кластер” ҳамда “Муаммоли таълим” технологиясининг “Мунозарали дарс” каби усулларини қўллаш ўринлидир. Шунингдек, амалий машғулотлар жараёнида фанга тегишли бўлган махсус қурилмалар, жадваллар, чизмалар ва слайдлардан фойдаланиш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Айтбаев Д.П. Гидрометеорологияда меҳнатни муҳофаза қилиш. Маърузалар матни. –Тошкент: Университет, 2000.
2. Монокрович З.И. Гидрометеорологическая информация в народном хозяйстве. Экономические выгоды и методы их оценки.- Л.: Гидрометеоиздат, 1980.
3. Угренинов Г.Н. Гидрологическое обеспечение народного хозяйства. - Л., Изд-во ЛГМИ, 1986.
4. Хайруллин Р.Р. Охрана труда в гидрометеорологии.- Изд-во Казанского университета, 1988.
5. Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма.–Тошкент: Меҳнат, 2001.

Қўшимча адабиётлар

6. Ванюхин В.И. Охрана труда в вопросах и ответах. -М.: Лесная промышленность, 1988.
7. Правила по технике безопасности при производстве наблюдений и работ на сети Госкомгидромета.- Л.: Гидрометеиздат, 1983.
8. Руководство по оперативному гидрометеорологическому обслуживанию народнохозяйственных организаций. Ч.1. -М.: Гидрометеиздат, 1962.
9. Русак О.Н. Меҳнат муҳофазасига кириш. Ўқув қўлланма.-М.: Высшая школа, 1980.
10. Справочник по гигиене труда. -Л.: Медицина, 1979.
11. Хандожко Л.А. Метеорологическое обеспечение народного хозяйства. -Л.: Гидрометеиздат, 1981.
12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент, 1993.
13. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.-Тошкент, 1993.
14. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Қонуни.-Тошкент, 1996.
15. www.undp.uz (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури Веб-сайти).
16. www.gwpcacena.org
17. www.Ziyo.net

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

География факультети
Қуруклик гидрологияси кафедраси

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯДА МЕҲНАТ
ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ**

фанининг

**ИШЧИ
ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Тошкент-2011

«К е л и ш и л г а н»
География факультети
декани _____
доц. Махамдалиев Р.Й.
« ___ » _____ 2011 йил

Гидрометеорология йўналиши IV курс талабалари учун
Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги
курсининг
ишчи дастури

Жами – 98 с.
Маъруза – 32 с.
Амалий машғулот – 46 с.
Рейтинг – 20 с.

**Фаннинг назарий машғулотлари
(маърузалар)**

1-маъруза. Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади, вазифалари. Фаннинг тадқиқот объекти ва предмети, ривожланиш тарихи. Фаннинг гидрометеорология тизимидаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги, мутахассис тайёрлашда тутган ўрни (2 с).

2-маъруза. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий–ҳуқуқий асослари. Меҳнат, хавфсизлик техникаси, эгрономика, муҳандислик психологияси, ишонч, техник эстетика ва улар орасидаги боғлиқликни илмий ташкил қилиш. Ишлаб чиқариш унумдорлиги билан меҳнат муҳофазаси орасидаги боғлиқлик. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Меҳнат муҳофазаси нормативларининг классификацияси. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунчилик. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ). Республика ва тармоқлараро қоидалар ва меъёрлар. Меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонунчиликни бузгандаги жавобгарлик (2 с).

3-маъруза. Давлат кузатиш ва назорат қилиш органлари. Меҳнат муҳофазаси бўйича Давлат кузатиш ва назорат қилиш органлари. Битим ва унинг аҳамияти. Давлат гидрометеорология тармоғида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда муҳандис, техник ходимларнинг ва раҳбарларнинг ўрни. Гидрометеорология соҳасида иш вақти ва дам олишни бошқариш. Етиб бориш қийин жойларда жойлашган станцияларда ва ташкилотларда ички тартиб қоидалари (2 с).

4-маъруза. Жароҳатланиш ва уни ўрганиш. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва уни ўрганиш. Жароҳатланиш, касбий захарланиш ва касб касалликларининг кўрсаткичлари. Гидрометеорология соҳасида рўй

берадиган жароҳатланишнинг асосий сабаблари, уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар. Бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш ва текшириш (2 с).

5-маъруза. Меҳнат муҳофазасининг физиологик ва психологик асослари. Меҳнат муҳофазасининг муҳандислик – физиологик ва муҳандислик – психологик асослари. Меҳнат қилишнинг оғир шароитлари таснифи (классификацияси). Санитар – гигиеник меҳнат шароитлари: метеорологик омиллар, заҳарлилик, чангланиш, газланиш, вибрация, шовқин, ультратовуш, радиация турлари. Психофизиологик меҳнат шароитлари: физик нагузқалар, кундузги ва тунги ақлий меҳнат турлари ва шакллари, меҳнат қилиш ва дам олиш тартиби. Чарчаш, Иш қобилиятини ошириш чоралари ва чарчашнинг олдини олиш. Иш жойига қўйиладиган асосий талаблар (2 с).

6-маъруза. Меҳнат гигиенаси. Микроиклим параметрларини гигиеник баҳолаш. Марказий Осиё шароитида меҳнат гигиенаси. Бориш қийин жойлардаги гидрометеорологик станцияларда ишлашнинг ўзига хослиги. Электромагнит майдонларнинг одам организмига биологик таъсири, улардан сақланиш чоралари. Ультрабинафша нурланиш ва унинг одамга таъсири. Товуш ва унинг одам организмига таъсири (психологик, физиологик, механик). Вибрация ва унга қарши кураш чоралари, Ёруғлик, унинг соғлом ва ҳавфсиз иш шароитларини яратишдаги роли. Сунъий ёруғлик қоидалари ва меъёрлари. Табиий ёруғлик. Индивидуал сақланиш воситалари (2 с).

7-маъруза. Гидрологик ишларни бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Гидрологик ишларни очик дарё ўзанларида, кўллар акваториясида, сув омборларида ва дарёларнинг қуйилиш жойларида бажариш бўйича техника ҳавфсизлиги қоидалари. Гидрометрик створларни жиҳозлашда, кузатувларни олиб боришда ва қор ўлчаш ишларини бажаришда, кўчки тушиш ва сел ҳавфи бор ҳудудларда ҳавфсизликни таъминлаш. Қирғоқда ва муз устида кузатувларни олиб боришда техника ҳавфсизлиги қоидалари. Сузиш мосламаларидан фойдаланиш. Сузиш мосламаларидан фойдаланишда ҳавфсизлик қоидалари. Аэрологик кузатувларни амалга оширишда ҳавфсизлик қоидалари (2 с).

8-маъруза. Метеорологик кузатишларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Метеорологик кузатувларни (ерда, баланд мачталарда, лабараторияларда) олиб боришда ҳавфсизлик чоралари. Дўлга қарши ишларни бажаришдаги ҳавфсизлик чоралари. Момақалдиноқ шароитида метеорологик кузатишларни амалга ошириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Метеорологию ўлчов қурилмаларидан фойдаланиш шароитида электрдан жароҳатланишнинг келиб чиқиши ва унинг асосий сабаблари. Электр токининг одам организмига таъсири (2 с).

9-маъруза. Ёнғиндан сақланиш

Ёнғин жараёни ва моддаларнинг ёниш хусусиятлари. Ёнғиндан сақланиш воситалари. Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари (2 с).

10-маъруза. Ўзгидрометнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари, ташкилий асослари,

уларнинг вазирликлар, идоралар, хусусий корхоналар билан ҳамкорлиги. Мунтазам гидрометеорологик маълумотлар. Гидрометеорологик кузатиш тармоқлари. Маълумот постлари (2 с).

11-маъруза. Гидрометеорологик маълумотлар. Гидрометеорологик маълумотларнинг янги турлари. Лахзали-тезкор гидрометеорологик маълумотлар. Фавқулодда гидрометеорологик маълумотлар. Тартибли гидрометеорологик маълумотлар. Норматив гидрометеорологик маълумотлар. Прогнозли гидрометеорологик маълумотлар (2 с).

12-маъруза. Прогнозли гидрометеорологик маълумотлар. Прогнозли гидрометеорологик маълумотларнинг турлари. Узок муддатли гидрологик прогнозларни тайёрлаш шакллари. Қисқа муддатли гидрологик прогнозларни тайёрлаш шакллари. Ўта хавфли ҳодисалар бошланишини олдиндан огоҳлантириш. Аэрокосмик маълумотлар асосида гидрологик прогнозлар. Сув объектларининг бўлажак ҳолатларини ХХ ташкилотлари фаолиятида ҳисобга олиш ва ишлатиш учун тавсияномалар (2 с).

13-маъруза. Гидрометеорологик ахборотлар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Гидрометеорологик ахборотлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий муаммолари. Гидрометеорологик прогнозлар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш алгоритмлари (2 с).

14-маъруза. Гидрометеорология ахборотларидан халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш: қишлоқ хўжалиги, энергетика, авиация, автомобил транспорти, темир йўл транспорти ва балиқчилик, қурилиш, тоғ - кон саноати. Норматив ва прогнозли маълумотлар асосида оптимал хўжалик ечимини қидириш. Статистик ечимлар усули тўғрисида тушунча. Табиий жараёнларнинг стахостик моҳияти. «Йўқотиш» тушунчаси. Йўқотиш функцияси. Йўқотиш функцияларининг хусусиятлари. Хўжалик ечимларини оптимизациялаш (критериялари) мезонлари. Ўртача йўқотишни минималлаштириш. Йўқотиш матрицаси. Шартли эҳтимоллар матрицаси. Матрица формасидаги оптимизацион ҳисоб (2 с).

15-маъруза. Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминлашнинг иқтисодий самарадорлиги. Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминотининг иқтисодий самарадорлиги(ИС). Гидрометеорологик маълумотларни фойдалилик имкониятлари (2 с).

16-маъруза. ИСни ҳисоблашни умумий (схемаси) тизими. Хўжалик ечимларининг қайтарилишини баҳолаш. Прогноз усулларининг тўла иқтисодий самарадорлиги (ИС). Норматив фойдаланишнинг ИС. Ўзбекистон халқ хўжалигини турли тармоқларида гидрометеорологик таъминотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини таҳлил қилиш (2 с).

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Гидрологик кузатишларда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш (4 с).
2. Гидрометрик люлкадан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш (6 с).

3. Метеорологик кузатишларни олиб боришдаги хавфсизлик чоралари (6 с).

4. Кўлларда бажариладиган гидрологик тадқиқотларда кўриладиган хавфсизлик чоралари (6 с).

5. Қор ва музликларни ўрганишдаги хавфсизлик чоралари (6 с).

6. Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш (6 с).

7. Гидрометеорологик маълумотларнинг фойдалилик имкониятларини ҳисоблаш (6 с).

8. Прогноз усулларининг тўла иқтисодий самарадорлиги(ИС)ни баҳолаш (6 с).

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс ишининг мақсади талабаларнинг гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлигидан мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда фанни ўрганиш натижасида олган назарий билимларини амалда кўллаш, бевосита гидрометеорология ишлаб чиқаришидаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий гидрометеорологик ўлчов қурилмалари, асбоблари ва технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс ишининг мавзулари бевосита меҳнат фаолияти хавфсизлиги масалалари, гидрометеорология хизмати, атроф – муҳит муҳофазаси, қишлоқ ва сув хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган жараёнларга боғлиқ ҳолда, аниқ бир йўл-йўриқ маълумотлари асосида бажарилади. Курс ишининг мавзулари талабаларнинг умумий сонидан 20-30% кўпроқ ҳолда олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талабага шахсий топшириқ берилади.

Курс ишининг асосини Ўзбекистон Республикаси ва дунё мамлакатлари шу соҳа касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бўлиб ўтган анжуманлари, съездларининг ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар (техника ҳавфсизлиги ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши ҳавфсизлик чоралари) ташкил этади. Курс ишининг ҳисоблаш – график ишларини замонавий компьютер дастурларида бажариш тавсия этилади.

Курс лойиҳасининг тахминий мавзулари:

1. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий – ҳуқуқий асослари
2. Давлат кузатиш ва назорат қилиш органларининг иш фаолиятини баҳолаш
3. Гидрометеорология тармоғида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш
4. Жароҳатланиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини ўрганиш
5. Меҳнат муҳофазасининг физиологик ва психологик асослари

6. Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси асосида меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари

7. Гидрологик ишларни бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таъминлаш

8. Метеорологик кузатишларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таъминлаш

9. Ёнғиндан сақланиш чора-тадбирларини ўрганиш

10. Ўзгидрометнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари

11. Гидрометеорологик маълумотларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

12. Прогнозли гидрометеорологик маълумотларнинг илмий асослари

13. Гидрометеорологик ахборотлар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

14. Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминлашнинг иқтисодий самарадорлигини такомиллаштириш масалалари

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишни тайёрлашда “Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабага қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда фаннинг маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлардан фойдаланган ҳолда, фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- янги геофизик қурилмалар, техникалар ва аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;

- фаннинг талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган бўлимларини ва мавзуларини чуқур ўрганиш;

- масофавий (дистанцион) таълимдан фойдаланиш ва ҳ.к.

Мустақил иш учун қуйидаги мавзуларни чуқур ўрганиш тавсия этилади:

1. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий – ҳуқуқий асослари

2. Давлат назорат қилиш органларининг иш фаолияти

3. Гидрометеорологияда меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил қилиш

4. Жароҳатланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари

5. Меҳнат муҳофазасининг физиологик ва психологик асослари

6. Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси масалалари

7. Гидрологик ишларни бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

8. Метеорологик кузатишларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

9. Ёнғиндан сақланиш чора-тадбирлари

10. Ўзгидрометнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари

11. Гидрометеорологик маълумотларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти
12. Прогнозли гидрометеорологик маълумотларнинг илмий асослари

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Дастурдаги барча маъруза мавзуларини ўтишда таълимнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, ўқув жараёнида янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “Ёлпиғич”, “Ақлий хужум”, “Масофавий таълим”, “Кластер” ҳамда “Муаммоли таълим” технологиясининг “Мунозарали дарс” каби усуллари қўллаш ўринлидир. Шунингдек, амалий машғулотлар жараёнида фанга тегишли бўлган махсус курилмалар, жадваллар, чизмалар ва слайдлардан фойдаланиш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Айтбаев Д.П. Гидрометеорологияда меҳнатни муҳофаза қилиш. Маърузалар матни. –Тошкент: Университет, 2000.
2. Монокрович З.И. Гидрометеорологическая информация в народном хозяйстве. Экономические выгоды и методы их оценки.- Л.: Гидрометеоиздат, 1980.
3. Угренинов Г.Н. Гидрологическое обеспечение народного хозяйства. -Л., Изд-во ЛГМИ, 1986.
4. Хайруллин Р.Р. Охрана труда в гидрометеорологии.- Изд-во Казанского университета, 1988.
5. Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма.–Тошкент: Меҳнат, 2001.

Қўшимча адабиётлар

6. Ванюхин В.И. Охрана труда в вопросах и ответах. -М.: Лесная промышленность, 1988.
7. Правила по технике безопасности при производстве наблюдений и работ на сети Госкомгидромета.- Л.: Гидрометеоиздат, 1983.
8. Руководство по оперативному гидрометеорологическому обслуживанию народнохозяйственных организаций. Ч.1. -М.: Гидрометеоиздат, 1962.

9. Русак О.Н. Меҳнат муҳофазасига кириш. Ўқув қўлланма.-М.: Высшая школа, 1980.
10. Справочник по гигиене труда. -Л.: Медицина, 1979.
- 11.Хандожко Л.А. Метеорологическое обеспечение народного хозяйства. -Л.: Гидрометеоиздат, 1981.
- 12.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Тошкент, 1993.
- 13.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.-Тошкент,1993.
- 14.Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Қонуни.-Тошкент, 1996.
- 15.www.undp.uz (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури Веб-сайти).
16. www.gwpcacena.org
- 17.www.Ziyo.net

Тузувчилар:

проф.Ҳикматов Ф.Ҳ.

доц.Айтбаев Д.П.

Мазкур ишчи дастур Куруқлик гидрологияси кафедрасининг « » август 2011 йилдаги мажлисида муҳокама қилинган ва факультет ИКга тасдиқлаш учун тавсия этилган (1-сонли баённома)

Кафедра мудири

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

«Т а с д и қ л а й м а н»
декан _____
доц. Маҳамадалиев Р.Й.
«__» «_____» 2011 й.

«Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги» фанининг
2011-2012 ўқув йили
ИШ РЕЖАСИ
(Рейтинг картаси)

Факультет: География
Йўналиш: Гидрометеорология
Кафедра: Куруқлик гидрологияси
Курс: IV курс, ўзбек гуруҳи
Ўқитувчи: доц. Айтбаев Д.П.

Жами – 98 с.
 Маъруза – 32 с.
 Амалий машғулот – 46 с.
 Рейтинг – 20 с.

Вақти	Дарс тури	Ажратилган соат	Мавзулар	Рейтинг режаси		
				ЖБ	ОБ	ЯБ
			Маърузалар			
IX	1-М	2	Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, ривожланиш тарихи			
IX	2-М	2	Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий–ҳуқуқий асослари. ЎЗР конституцияси			
IX	3-М	2	Меҳнат муҳофазаси бўйича Давлат кузатиш ва назорат қилиш органлари. Гидрометеорология тармоғида меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш			
IX	4-М	2	Гидрометеорология соҳасида рўй берадиган жароҳатланишнинг асосий сабаблари, уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар			
IX	5-М	2	Меҳнат муҳофазасининг физиологик ва психологик асослари. Меҳнат қилишнинг оғир шароитлари таснифи (классификацияси).			
IX	6-М	2	Меҳнат гигиенаси. Вибрация ва унга қарши кураш чоралари. Индивидуал сақланиш воситалари			
X	7-М	2	Гидрологик ишларни бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги		10	
X	8-М	2	Метеорологик кузатишларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			
X	9-М	2	Ёнғиндан сақланиш воситалари. Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари			
X	10-М	2	Ўзгидрометнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлинмалари. Мунтазам гидрометеорологик маълумотлар			
X	11-М	2	Гидрометеорологик маълумотларнинг янги турлари			

XI	12-М	2	Прогнозли гидрометеорологик маълумотларнинг турлари. Ўта хавфли ходисалар бошланишини олдиндан огоҳлантириш.			
XI	13-М	2	Гидрометеорологик ахборотларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.			
XI	14-М	2	Гидрометеорология ахборотларидан халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш.			
XI	15-М	2	Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминлашнинг иқтисодий самарадорлиги.			
XI	16-М	2	Прогноз усуллариининг тўла иқтисодий самарадорлиги (ИС).		15	30
Амалий машғулотлар						
IX	A	4	Гидрологик кузатишларда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш	5		
IX	A	6	Гидрометрик люлкадан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш	5		
X	A	6	Метеорологик кузатишларни олиб боришдаги хавфсизлик чоралари	5		
X	A	6	Кўлларда бажариладиган гидрологик тадқиқотларда кўриладиган хавфсизлик чоралари	6		
X	A	6	Қор ва музликларни ўрганишдаги хавфсизлик чоралари.	6		
XI	A	6	Халқ хўжалигини гидрометеорологик таъминотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	6		
XI	A	6	Гидрометеорологик маълумотларнинг фойдалилик имкониятларини ҳисоблаш	6		
XI	A	6	Прогноз усуллариининг тўла иқтисодий самарадорлиги(ИС)ни баҳолаш	6		
Жами				45	25	30

Адабиёт

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш - Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. // Халқ сўзи, 2009, 27 июнь.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Айтбаев Д.П. Гидрометеорологияда меҳнатни муҳофаза қилиш. Маърузалар матни. –Тошкент: Университет, 2000.
6. Монокрович З.И. Гидрометеорологическая информация в народном хозяйстве. Экономические выгоды и методы их оценки.- Л.: Гидрометеоиздат, 1980.
7. Угренинов Г.Н. Гидрологическое обеспечение народного хозяйства. - Л., Изд-во ЛГМИ, 1986.
8. Хайруллин Р.Р. Охрана труда в гидрометеорологии.- Изд-во Казанского университета, 1988.

9. Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма.—Тошкент: Меҳнат, 2001.

Қўшимча адабиётлар

10. Ванюхин В.И. Охрана труда в вопросах и ответах. -М.: Лесная промышленность, 1988.

11. Правила по технике безопасности при производстве наблюдений и работ на сети Госкомгидромета.- Л.: Гидрометеоздат, 1983.

12. Руководство по оперативному гидрометеорологическому обслуживанию народнохозяйственных организаций. Ч.1. -М.: Гидрометеоздат, 1962.

13. Русак О.Н. Меҳнат муҳофазасига кириш. Ўқув қўлланма.-М.: Высшая школа, 1980.

14. Справочник по гигиене труда. -Л.: Медицина, 1979.

15. Хандожко Л.А. Метеорологическое обеспечение народного хозяйства. -Л.: Гидрометеоздат, 1981.

16. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Тошкент, 1993.

17. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.-Тошкент, 1993.

18. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Қонуни.-Тошкент, 1996.

19. www.undp.uz (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури Веб-сайти).

20. www.gwpcacena.org

21. www.Ziyo.net

Тузувчилар:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

доц. Айтбаев Д.П.

Мазкур ишчи дастур Куруқлик гидрологияси кафедрасининг « » август 2011 йилдаги мажлисида муҳокама қилинган ва факультет ИКга тасдиқлаш учун тавсия этилган (1-сонли баённома)

Кафедра мудири

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

**Мирзо Улуғбек номидаги
Узбекистон Миллий университети**

«Тасдиқлайман»
География факультети
декани _____
доц. Маҳмадалиев Р.Й.
«__» ____ 2011 йил

География факультети
Қуруқлик гидрологияси
кафедраси

5440600 - Гидрометеорология таълим йўналиши
IV курс талабалари билимини
«Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги»
фанидан рейтинг тизими асосида назорат қилиш ва
б а ҳ о л а ш м е з о н и

Максимал балл	100
Оралик назорат	25 (ОН)
Жорий назорат	45 (ЖН)
Якуний назорат	30 (ЯН)

Тошкент - 2011

**Талабалар билимини рейтинг тизими асосида
назорат қилиш ва баҳолаш
мезонлари**

Фан: Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги

Ўқитувчи: доц. Айтбаев Д.П.

Ўқув йили: 2011-2012 й.

Семестр: 1

Жами – 98 с.

Маъруза – 32 с.

Амалий машғулот – 46 с.

Рейтинг – 20 с.

№	Назорат тури	Мах. балл	Саралаш бали	Ўтказиш вақти
1.	Жорий назорат	5	2,75	Сентябр, 2-декада
2.	Жорий назорат	5	2,75	Сентябр, 3-декада
3.	Жорий назорат	5	2,75	Октябр, 1-декада
4.	Жорий назорат	6	3,30	Октябр, 2-декада
5.	Жорий назорат	6	3,30	Ноябр, 1-декада
6.	Жорий назорат	6	3,30	Ноябр, 3-декада
7.	Жорий назорат	6	3,30	Декабр, 1-декада
8.	Жорий назорат	6	3,30	Декабр, 3-декада
9.	1 - оралиқ назорат	10	5,5	Ноябр, 1-декада
10.	2- оралиқ назорат	15	8,25	Декабр, 3-декада
11.	Якуний назорат	30	16,5	Январ, 3-декада

Жорий баҳолаш мезонлари:

Амалий машғулотлардан баҳолашда қуйидагилар эътиборга олинади:

- мустақил назарий тайёргарлик даражаси (конспект, оғзаки савол-жавоб);
- ишни бажаришдан мақсад ва бажариш тартибини билиши;
- ишни бажариш жараёнида олинган натижалар асосида ҳисоблашларнинг тўғри амалга оширилганлиги;
- олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали чиқарилган хулосаларнинг илмийлиги.

Семинармашғулотлардаги баҳолаш жараёнида қуйидагилар инобатга олинади:

- магистрантнинг мустақил назарий тайёргарлик даражаси;
- магистрантнинг мавзуни ёритиб бера олиш даражаси;
- амалий машғулот топшириқларини бажариш жараёнида назарий билимларни тўғри қўллай билганлиги (керакли формула, қонуниятлар тўғри ишлатилганлиги);

- мавзуга тегишли савол-жавоблардаги фаоллиги.

Оралик баҳолаш мезонлари:

- фаннинг ОБ учун белгиланган бўлими ёки қисми бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
- олинган назарий билимларни қўллай билиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси;
- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг илмий асосланганлиги;
- ўтилган мавзулар бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини намоён этганлиги;
- тавсия этилган адабиётлардан ташқари, қўшимча манбалардан фойдаланилганлик.

Яқунин баҳолаш мезонлари:

- фан бўйича назарий билимларнинг тўла ўзлаштирганлик даражаси;
- олинган назарий билимларни амалда қўллай билиш кўникмаларининг шаклланганлиги;
- қўйилган саволларга берилган жавобларнинг аниқ ва лўнда илмий асосланганлиги;
- ўтилган фан бўйича мустақил фикрлаш қобилиятини шаклланганлиги;
- тавсия этилган адабиётлар ва қўшимча манбаларни ўзлаштирганлиги.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

а) **86-100** балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) **71-85** балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) **56-70** балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мохиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги холларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аник тасаввурга эга булмаслик;
- жавобларда хатоликларга йўл қўйилганлик;
- билмаслик.

Баҳолаш мезони Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг 2011 йил « » августдаги мажлисида муҳокама этилган ва тасдиқланган (баённома №1).

Тузувчи:

доц. Айтбаев Д.П.

Кафедра мудири

проф. Ф.Х.Ҳикматов

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маълумки, таълим технологияси - “техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларнинг ўз олдига таълим шакллари оптималлаштириш вазифасини кўйувчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули” ҳисобланади (ЮНЕСКО).

Тизимли туркум (категория) каби таълим технологияси қуйидагиларни ифодалайди:

- педагогик тизимнинг таркибий қисмларини (компонентларини);
- таълим технологиясининг таркибий қисмларини (элементларини), унинг процессуал қисмини;
- таълим методикасининг кейинги даражасини – мақсадга эришиш учун услубий (методик) тизимни ўқув жараёни қатнашчиларининг ҳаракат изчиллигига айлантиради.

Гидрометеорологик прогнозлар курсини самарали ўқитиш мақсадида қуйидаги технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган:

- муаммоли ўқитиш;
- танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;
- ривожлантирувчи таълим технологиялари;
- ўйинли технологиялар;
- ҳамкорлик технологиялари;
- ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- программалаштирилган ўқитиш технологияси;
- компютер- ахборот технологиялари.

Фанни ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш самарали натижа беради. Чунки, интерфаол усуллар талабаларда мантиқий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Қуйида курсни ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир технологияларга тавсиф берамиз.

“ТАРМОҚЛАР” методи – талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

“БУМЕРАНГ” техникаси – талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

“МУЛОҚОТ” техникаси – аудиториядаги талабалар диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

“ТАРМОҚЛАР МЕТОДИ” (Кластер) - фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунча ва аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашга ўргатади. Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадваллаштириш ҳамда кенгайтиришга эришиш мумкин.

“БУМЕРАНГ” технологияси - мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалнинг чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муомала, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллини тўплашига имконият беради. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқий шаклланишга имконият яратади; хотирани чархлайди, диққатни кучайтиради. Ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради: жамоа билан ишлаш маҳорати; муомалалилик; хушфёъллик; қониқувчанлик; ўзгалар фикрига хурмат; фаоллик; раҳбарлик сифатларини шакллантириш; ишга ижодий ёндашиш; ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; ўзини ҳолис баҳолаш.

“СКАРАБЕЙ” технологияси - “Скарабей” интерактив технология бўлиб, у талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқий хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талабаларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини ҳолис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У айти пайтда, турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади. Мазкур технологиядан ўқув материалнинг турли босқичларини ўрганишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

“ВЕР” технологияси - мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология гидрологик прогнозлар курсида танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади.

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-маъруза. Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади, вазифалари

Режа:

1. Фаннинг мақсади, вазифалари;
2. Асосий тушунчалар;
3. Фаннинг тадқиқот объекти, предмети ва методологик асоси;
4. Ривожланиш тарихи;
5. Бошқа фанлар билан боғлиқлиги;
6. Мутахассис тайёрлашда тутган ўрни.

Фаннинг асосини Ўзбекистон Республикаси ва дунё мамлакатлари шу соҳа касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бўлиб ўтган анжуманлари, съездларининг хужжатлари ва бошқа меъёрий хужжатлар (техника хавфсизлиги ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари) ташкил этади.

1. Фаннинг мақсади бўлажак гидрометеорологик – мутахассисларга ҳозирги замон нуқтаи назаридан меҳнатни муҳофаза қилишига қаратилган ва инсон билан ишлаб чиқариш муҳити орасидаги ўзаро таъсир доирасини тушунишдан иборат. Бунда асосий мезон инсон соғлиғини сақлаш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишдан иборатдир. Мазкур курснинг **вазифаси** бўлажак мутахассисларга меҳнат муҳофазаси бўйича жавобгарлик ҳиссини ва умумий ишлаб чиқариш маданиятини тарбиялайди. Натижада талаба ишлаб чиқаришни социал – ҳуқуқий, физиологик, психологик ва техник жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил қила оладиган бўлиши лозим.

2. Асосий тушунчалар. Меҳнат – инсоннинг табиатига таъсир этиб ва уни ўзгартириб, яшаши учун зарур бўлган бойликларни яратишдаги мақсадга мувофиқ фаолияти. Меҳнат кишилиқ жамияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган социал (ижтимоий) категориядир. Инсоният эга бўлган барча бойлик меҳнат тўғрисида яратилган. Меҳнат инсоннинг яшаши учун биринчи ва асосий шартдир. Меҳнат инсонни яратди. Меҳнатнинг ақлий ва жисмоний турга эга бўлиши социал (ижтимоий) воқелиқдир. Илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиши жараёнида ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут аста-секин йўқолиб боради. Кишилиқ жамияти учун, умуман ҳар бир инсон учун жисмоний меҳнат нисбатининг аста секин камайиб бориши билан характерлидир.

Техника тараққиёти, оғир ва соғлиқ учун зарарли ишларнинг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши меҳнат шароитини яхшилашга касбга алоқадор зарарли ҳолатлар касб касалликлари ва жароҳат олиш (травматизм)нинг камайишига ёрдам беради. Аммо жисмоний меҳнатнинг кескин камайиб кетиши инсоннинг жисмоний ва руҳий соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Узоқ йилларгача меҳнат қилиш қобилиятини сақлаб қолишга ақлий ва жисмоний меҳнатни бирга олиб бориш доимо

чиниқиш ва меҳнат билан дам олишни тўғри ташкил этиш туфайли эришиш мумкин. Инсоннинг меҳнат қила олиш даражаси бир қатор шарт – шароитларга боғлиқ.

Меҳнат қувонч ва руҳий мамнунлик манбаи бўлиши керак. Ишга қизиқиш ишлаш қобилиятини оширади. Меҳнат кишини интизомли тарбиялайди яшашнинг маълум бир ритмини тарбиялашни пайдо қилади, у соғлиқ ва бирдамлик манбаидир. Одат бўлиб қолган меҳнат ва яшаш ритмининг (тартибнинг) бузилиши кўпинча меҳнат қилиш қобилиятини ва меҳнат унимдорлигини камайтиради, организмни қаритади.

Юқори даражада меҳнат қилишнинг муҳим шартларидан бири ишга аста секин жалб этилишдир. Инсон ақлий меҳнатга нисбатан жисмоний меҳнатга тезроқ киришиб кетади. Жисмоний меҳнатдан сўнг дам олишга тез ўтилади, ақлий меҳнатдан кейин дам олишга ўтишда руҳий фаолиятнинг жалб бўлиши учун маълум вақт талаб этилади. Ушбу сабабга кўра, жадал ақлий меҳнатни уйқудан 1-2 соат илгари тўхтатиш керак акс ҳолда уйқусизлик юзага келади.

Иш ритми (тартиби) юқори меҳнат қобилиятининг асосидир. У одатда инсоннинг характери мақсадга интилиши билан белгиланади. Аммо иш ритми бир меъёрада организмнинг физиологик имкониятларига мос ва мувофиқ тўғри танланган бўлиши лозим.

Технологик операцияларни (ишларни) бажаришда маълум тартиб бўлмаслиги маълум ишнинг кун, ҳафта ва ой давомида нотўғри тақсимланиши меҳнат қобилиятини камайтиради, ишда тартибсизликка хатоларга йўл қўйиш, тез чарчашга олиб келади ва шу билан организм барча физиологик ва толиқишга сабаб бўлади. Меҳнат қобилиятининг юқори даражада бўлишида нормал гигиеник шароитлар, етарли ёруғлик, вентиляция, қулай иш жойи, тўғри ўтириш, шунингдек ижтимоий муҳитнинг осойишта руҳий микроклимни белгиловчи шароитлари жуда муҳим.

3. Фаннинг тадқиқот объекти инсон билан ишлаб чиқариш муҳити орасидаги ўзаро таъсир доирасини тадқиқ этишдан иборат. **Предмети** эса иш жараёнида меҳнат қобилияти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

Фаннинг **методологик асоси** меҳнат шароитини, технологик жараёни, ажралиб чиқадиган захарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларни илмий таҳлил қилишдир. Таҳлил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоратадбирлари ишлаб чиқилади. Бу масалаларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, келгуси ишлар режаларини тузишда юқорида қайд этилган илмий таҳлиллар ҳисобга олинади.

Ҳар бир ташкилот раҳбари ва меҳнат муҳофазаси бўйича жавобгар муҳандис Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига амал қилган ҳолда, ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўз зиммасига олиб, жавоб беради.

4. Ривожланиш тарихи. Гидрометеорология Бош бошқармаси – Ўзбекистон Республикасининг узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатган илмий-ишлаб чиқариш ташкилотларидан биридир. Унинг ташкил топиш санаси, расмий равишда 7 май 1921 йили ҳисобланади, аммо гидрометеорология соҳасидаги фаолияти анча илгари бошланган. Биринчи метеорологик кузатишлар Ўрта Осиё ҳудудида XIX аср ўрталаридан бошлаб олиб борилган. Шу даврда Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги ҳарбий қалъаларда дастлабки метеостанциялар ташкил этилган. Улар Казалинск (1848), Қизил Ўрда (1856), Хўжанд (1866), Тошкент шаҳрида эса мунтазам метеорологик кузатишлар 1867 йилда бошланиб, ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунда ишлаб турган Тошкент-Обсерватория метеостанцияси 1876 йили Тошкент астрономик обсерватория ҳузурида ташкил этилган.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида 40 дан ортиқ метеостанция ишлаб турган.

Биринчи жаҳон ва фуқаролар урушлари Туркистон иқтисодиётига катта зарар келтирди. Маблағ билан таъминланмаганлиги сабабли, метеорологик станция таромқларининг ишлаш фаолиятига салбий таъсирини кўрсатди. Лекин, Туркистон метеорологияси (Туркмет)нинг барпо этилиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, метеорологик кузатишларни тиклаш имконини берди ва метеорологик станцияларнинг сони 100 тага етди.

1919 йилдан бошлаб Гидрометеорология хизматини табиий муҳитни кузатиш ва гидрометеорологик прогнозларни бирлаштирувчи ягона ташкилот бўлди. 1929 йили Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузурида Гидрометеорологик кўмита ташкил этилиб, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология Бошқармаси сифатида тасдиқланди. 1931 йилда ушбу бошқарманинг раҳбарлигида, Ўзбекистон ҳудудидаги гидрометеорологик кузатишларнинг кўпгина турлари бирлаштирилди. 1935 йили Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида Гидрометеорология хизмати бошқармалари ташкил этилиб, улар Тошкент ихтиёрида бўлишди.

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидан бошлаб, Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбийлашган бўлинмасига айлантилди. Ўрта Осиё республикаларининг барча Гидрометеорология хизмати бошқармалари унинг қарамоғига киритилди. Бундай шароитда гидрометеорологик ахборот ва прогнозлар халқ хўжалиги учун янада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Гидрометеорологик станциялар тармоғи уруш кетаётган қийин шароит бўлишига қарамасдан узлуксиз ишлади. Ўзбекистонда кўшимча 3 та метеостанция ва 12 та гидрометрик постлар очилди. 7 та метеостанция Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ҳудудида ишга туширилди. Шу йиллари Тошкентда гидрометеорологик асбоблар корхонаси ишга туширилди.

Уруш йилларида авиация хизмати узлуксиз учишларни таъминлаш учун метеорологик тармоқларнинг кеча кундуз ишлашини талаб қилар эди.

Ўрта Осиё гидрометхизмати 1946 йилнинг март ойидан ҳарбий кучлар таркибидан чиқарилиб, яна республикаларда гидрометхизмати бошқармаси сифатида қайтадан тикланди. Урушдан кейинги йилларда гидрометхизматнинг кузатиш тармоқлари ва кузатиш турларини кенгайтиришга, хизмат қилишнинг янги шакллари ташкил этишга йўналтирилди. Гидрометхизмати таркибида 1951 йили гидрографик партиялар тузилди, 1958 йили эса ўзининг станциялар тармоғига эга бўлган ихтисослаштирилган қор кўчкилари хизмати ташкил топди.

1960-1970 йиллари ахборотнинг янги – ер сунъий йўлдошига оид, радиолакация ва ионосфера-магнит турлари пайдо бўлди. Йирик ҳисоблаш маркази ташкил этилди. Гидрометеорология хизмати тизимида 1972 йилдан бошлаб, янги йўналиш – экологик мониторинг ва ташқи муҳит ифлосланишини мунтазам кузатиш ишлари ҳам бошланди. Гидрометеорологик жараёнлар (дўл, булутлар, қор кўчкилари)га фаол таъсир кўрсатиш хизматига асос солинди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Бошгидромети 400 дан ортиқ кузатиш тармоғига эга.

Мамлакатимиз мустақиллика эришгач Бошгидрометнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7 май 1992 йилдаги 225 – сонли буйруғига асосан тасдиқланган.

5. Бошқа фанлар билан боғлиқлиги “Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” ўқув фани ихтисослик фанлари блокдан ўрин олган бўлиб, 7 - семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасидан ўрин олган математик ва табиий – илмий (олий математика, информатика ва ахборот технологиялари, географик информацион тизимлар, физика), умумкасбий (мутахассисликка кириш, гидрометрия ва сув кадастри, умумий гидрология, гидрологик ҳисоблашлар ва ҳ.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

6. Мутахассис тайёрлашда тутган ўрни. Бўлажак гидрометеорология бакалаврлари ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятида, жумладан дарёлар, каналлар ва сув омборларида дала – кузатув ҳамда сув ўлчаш ишларини ташкил этишларида, уларда ҳаёт фаолияти ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқишларида “Гидрометеорологияда меҳнат фаолияти хавфсизлиги” ўқув фанини ўрганиш натижасида эгаллаган назарий ва амалий билимларига таянадилар. Шу жиҳатдан мазкур фан юқори малакали гидрометеорологлар тайёрлаш тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Синов саволлари:

- 1. Фаннинг мақсади ва вазифаларига тушунча беринг.*
- 2. Фаннинг асосий тушунчаларига изоҳ беринг.*
- 3. Фаннинг тадқиқот объекти, предмети ва методологик асоси деганда нмани тушунасиз?*
- 4. Ривожланиш тарихини таърифлаб беринг.*
- 5. Бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва мутахассис тайёрлашда тутган ўрнининг аҳамияти нималардан иборат?*

2-маъруза. Бошгидрометнинг асосий вазифалари

Режа:

- 1. Бошгидрометнинг асосий вазифалари;*
- 2. Бошгидрометнинг халқаро фаолияти;*
- 3. Бошгидрометнинг илмий-тадқиқот ва тажриба фаолияти;*
- 4. Бошгидромет ишлаб чиқадиган гидрометеорологик маълумотлар.*

1. Бошгидрометнинг асосий вазифалари Давлат бошқарув идоралари ва бошқа соҳаларга табиий муҳит тўғрисидаги маълумот билан, мавжуд ва кутилаётган гидрометеорологик шароит унинг ўзгариш сабаблари, гидрометеорологик жараёнлар таъсирида бўладиган фавқулодда ҳодисалар тўғрисида хабар бериш, атроф муҳитнинг ифлосланиши тўғрисида хабар бериш ва ниҳоят гидрометеорологик ҳодисаларга фаол таъсир этишдир.

Асосий хизмат кўрсатиш соҳалари: сув хўжалиги, энергетика, агросаноат, нефть қазииш, автомобил ва темир йўл транспорти, авиация, алоқа, коммунал хўжалиги ва бошқалар. Бошгидромет маълумот берадиган вазирликлар, идора, ширкат, концернлар, фирма ва корхоналар 2000 дан ошади.

Бошгидромет ўз мақсадига тўла эришиши ва олдиги кўйилган вазифани бажариш учун доимий гидрометеорологик кузатиш ишларини олиб боради. Табиий муҳитни ифлосланишини ўрганади, гидрометеорологик ва экологик маълумотларни олиш усулларни ишлаб чиқади.

Давлат сув кадастри, давлат маълумотлар банкни тузади ва назорат қилади.

2. Бошгидрометнинг халқаро фаолияти. Жаҳон об-ҳаво тизимида 29 та минтақавий гидрометеорологик марказ бўлиб, шулардан бири Тошкентда жойлашган. Тошкентдаги марказ метеорологик маълумотларни йиғади, об – ҳаво ва авиация харитасини тузиб тарқатади. Бу ишда у Ўрта Осиё, Яқин шарқ ва Россиянинг шарқий қисмига ҳам жавобгардир.

1993 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ)га аъзо бўлиб қабул қилинди. Ўзбекистон Бошгидромет бошлиғи ЖМТда Ўзбекистоннинг доимий вакилидир. Бошгидромет Франция, Германия, Туркия, Исроил ва бошқа давлатлар гидрометеорология хизмати билан доимий алоқада бўлиб, ЖМТ, ЮНЕСКО ва ЮНЕП ташкилотлари дастурини тузишда ва бошқа битимларида фаол қатнашади.

3. Бошгидрометнинг илмий-тадқиқот ва тажриба фаолияти Бошгидрометга қарашли ЎОИТГМИ (САНИГМИ) – Ўрта Осиё илмий тадқиқот гидрометеорология институти Ўрта Осиёда гидрометеорология соҳаси бўйича ягона ташкилотдир. Бу ерда гидрометеорология ва экологияга тегишли жуда кўп масалалар ҳал қилинади. ЎОИТГМИ да қуйидаги илмий – тадқиқот ишлари олиб борилади. Минтақавий иқлим ва азон қатламини ўрганиш, сув заҳираларини миқдорий баҳолаш, иқлим, агроиқлимни табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини ўрганиш, атроф муҳит ифлосланиш мониторинги тизимини ташкил этиш, булутлар физикаси об –

ҳавони прогноз қилиш усуллари ишлаб чиқиш, гидрологик ва агрометеорологик ҳодисаларни олдиндан прогнозлаш, гляциологик тадқиқотларни амалга ошириш.

4. Бошгидромет ишлаб чиқадиган гидрометеорологик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бошгидромети мамлакатимиздаги вазирликлар, қорхоналар, муассасаларга қуйидаги маълумотларни етказиб беради:

- кундалик гидрометеорологик бюллетень;
- кундалик экологик бюллетень;
- ўн кунлик агрометеорологик ва гидрологик бюллетень;
- бир ойлик об - ҳавони прогноз қилиш бюллетени;
- табиий муҳитнинг ифлосланиши ҳақида ойлик маълумот;
- куруқлик сувлари режими ва захираси ҳақида йиллик маълумот;
- агрометеорологик йилнома;
- ҳаво, дарё сувлари сифати ифлосланиши йилномаси;
- Ўзбекистон иқлими ва агроиқлими ҳақида маълумотнома;
- илмий мақолалар тўплами, монографиялар, методик қўлланмалар, гидрология ва экология масалалари бўйича тавсиялар ва бошқалар.

Синов саволлари:

1. *Бошгидрометнинг асосий вазифалари нималардан иборат?;*
2. *Бошгидрометнинг халқаро фаолиятидаги тўтган ўрни;*
3. *Бошгидрометнинг илмий-тадқиқот ва тажриба фаолиятининг халқ хўжалигидаги аҳамияти;*
4. *Бошгидромет ишлаб чиқадиган гидрометеорологик маълумотлар ҳақида нималарни биласиз?*

3-маъруза. Меҳнат муҳофазасининг умумий масалалари

Режа:

1. *Қорхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш;*
2. *Меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи органлари;*
3. *Қорхоналарда ҳавфсиз ишлаш усуллари жорий этиш;*
4. *Кўнгилсиз ҳодисаларни таҳлил этиш.*

1. Қорхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш. Қорхоналарнинг иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш давлат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўлими раҳбарият ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилайди. Қорхонада юз берадиган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисага қорхона раҳбари ва бош муҳандис бевосита жавобгар ҳисобланади.

Меҳнат шароитининг яхшиланишига олиб келадиган тадбирлар мазмуни бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Буларга захарли ва енгил алангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини

механизациялаштириш, химоя мосламалари, тўсиқлар, автоматик химоя воситалари, сигнал мосламалари, мософадан бошқариш асбобларини кўшимча ўрнатиш ва бошқалар;

- ишлаб чиқаришда касб касалликлари олдини олиш чора-тадбирлари. Унга ишчиларни ҳар хил касбий зарарлар таъсиридан химояловчи мослама, жиҳозларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хоналарни шамоллатиб туриш мосламаларини ўрнатиш ҳамда ишлаб турган мосламаларни ўз вақтида таъмирлаш, ҳаво таркибини текшириш ҳамда назорат ўрнатиш учун асбоб-ускуналар олиш ва бошқалар;

- меҳнат шароитини умумий яхшилаш чора-тадбирлари. Бунга меҳнат муҳофазаси қилиш масалаларини ёритувчи кўرғазмали хоналар, бурчаклар ташкил этиш, иш жойларини унумли ёритиш, шовқин ва тебранишларга қарши умумий чора-тадбирлар, махсус кийимлар учун ечиниш, ювиниш, кимёвий тозалаш хоналарини ташкил этиш.

2. Меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи органлари. Барча вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилинишини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юклатилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бажарилаётганлигини назорат органлари кузатиб боради.

Тармоқ касаба уюшма кўмитасининг техник инспектори ҳар бир саноат корхонасига бириктириб қўйилган. У корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бажарилаётганлигини, кўнгилсиз ҳодисага учраганлар ҳисобга олинаётганлигини назорат қилади, оғир ёки ўлим билан тугаган ҳодисаларни гуруҳ билан бирга таҳлил қилади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларини бузганларни жавобгарликка тортиш мақсадида тегишли жойларга маълумот юборади. Техник инспектор янги ускуналарни қабул қилишда қатнашади ҳамда бир вақтнинг ўзида улар янги объектларни фойаланиш учун қабул қилиш комиссиясининг аъзоси ҳисобланиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларининг бажарилаётганлигини назорат қилади.

Меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи органлар қуйидагилардан иборат:

1. Санитария назорати органи;
2. Ёнғин хавфсизлиги олдини олиш назорати органи;
3. Энергетика назорати органи.

Юқорида қайд этилган ҳар бир назорат органлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

1. Санитария назорат органи. Саноат корхоналарида давлат санитария назоратини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати ходимлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ташқи муҳитни саноатнинг зарарли чиқиндилари билан ифлосланишининг, саноат корхоналарида ишловчилар касалланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш белгилаб қўйилган.

Санитария-эпидемиология станцияларининг вакиллари капитал қурилиш объектларини қабул қилишда қатнашади, касбий заҳарланиш ва

касалланишларни текширади, корхона маъмурияти билан биргаликда бу касалликларни йўқотиш чора-тадбирларини кўради. Сув ҳавзаларидан тўғри фойдаланиш ва ташландиқ сувларнинг сув ҳавзаларига қўшилиши масалалари билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош санитария-эпидемиология бошқармасининг маҳаллий санитария-эпидемиология станциялари шуғулланади.

2. Ёнгин хавфсизлиги олдини олиш назорати органи. Ёнгин хавфсизлиги назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ва маҳаллий органлар зиммасига юклатилган.

Маҳаллий бошқарув органлари ва ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ёнгинга қарши курашувчи қисмлар, ўзлари хизмат кўрсатадиган саноат корхоналарининг ҳамма объектларида ёнгинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилишини, ёнгинга қарши кураш олиб боровчи хизматчиларнинг тайёрлигини, корхонадаги ёнгинни ўчириш воситаларининг ишга яроқлилигини ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаганда ёнгин хавфсизлигига риоя қилинаётганлигини кузатиш йўли билан назорат қилиб боради. Ёнгин чиқмаслиги чораларини кўриш вазифаси ходимлар зиммасига юклатилган.

3. Энергетика назорати органи. Давлат энергетика назорати Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади. Унинг асосий вазифаси электростанцияларни, электр ва иссиқлик қурилмаларининг техник ҳолатини ва уларда хавфсиз хизмат кўрсатишни назорат қилиб туришдан иборат. Энергетика назорати электр қувватидан тўғри фойдаланилаётганлигини ва электр қурилмаларининг техник ҳолатини кузатиб боради.

3. Корхоналарда хавфсиз ишлаш усуллари жорий этиш корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиши шарт. Йўриқномалар икки йўналишда: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йириқлантирувчи техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Унда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-қоидалари, шу жараённинг ўзига хос зарарли хусусиятлари, техника хавфсизлиги меъёрларини бажариш мажбурияти, шахсий ҳмоя воситаларидан фойдаланиш ва кўнгилсиз ҳодиса рўй берганда, биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирилади.

Иш жойидаги йўриқлантирув цех бошлиғи ёки навбатчи бошлиқ иштирокида уста ёки сардор томонидан ўтказилади. Бунда ишчи бажарадиган вазифаси, иш жойи техника хавфсизлиги йўриғи билан танишади. Йўриқлантирувдан ўтган ишчи 10 кун ичида тажрибали ишчи назоратида иш ўрганади. Ишлаш билими комиссия томонидан қониқарли деб баҳоланган ишчи мустақил ишга қўйилади. Ўтказилган барча йўриқлантирув махсус журнал ва ишчининг шахсий варақасига ёзиб қўйилади.

Синов саволлари:

1. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари қандай ташкил этилади?

2. Меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи органларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

3. Корхоналарда хавфсиз ишлаш усулларини қандай жорий этиш мумкин?

4-маъруза. Кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш

Режа:

1. Кўнгилсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш;

2. Шикастланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари;

3. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг гуруҳларга бўлиниши.

1. Кўнгилсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш. Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақидаги Низомга биноан меҳнат фаолиятини йўқотишга сабаб бўлган ҳар бир шикастланиш ҳолларини текшириб чиқиб, шу ҳқда Н-1 намуна бўйича 4 нусхада далолатнома тузади. Бош муҳандис далолатнома ва кўриладиган чора-тадбирлар режасини тайёрлайди. Кўнгилсиз ҳодиса сабабини бартараф қилиш ҳақида буйруқ биринчи раҳбар томонидан тасдиқланади ва уни бажариш учун масъул киши тайинланади, амалга ошириш муддати белгиланади.

Гуруҳий, оғир жароҳат ва ўлим билан тугаган шикастланишларда Н-1 намунали далолатномани тузиш билан бир вақтда кўнгилсиз ҳодисалар махсус журналга қайд қилиб кўйилади. Н-1 намунаси бўйича тузилган далолатномаларга асосланиб корхона маъмурияти ҳисобот тайёрлайди ва юқори ташкилотларга юборади, бунда меҳнат фаолияти фақат уч кундан ортиқ йўқотилган ҳодисаларгина инобатга олинади. Н-1 намунали далолатномалар идора архивида 45 йил сақланиши керак.

Шикастланишларнинг таҳлилин меҳнат гигиенаси бўйича шифокор ва унинг ёрдамчиси меҳнат хавфсизлиги бўлими ҳамда соғломлаштириш шаҳобчаси тиббиёт-санитария қисми шифокорлари билан биргаликда олиб боради. Шикастланишларга қарши тадбирлар кўриш режаси таҳлил асосида тузилади. Таҳлил қилиш ва маълумотларни статистик жиҳатдан ишлаб чиқишда шикастланишларнинг кўп-озлиги частота кўрсаткичларининг оғир ва енгиллигига боғлиқ.

Частота кўрсаткичи 1000 ишчига бўлганда шикастланишнинг ўртача сони қуйидагича ифодаланади:

$$\ddot{I} = \frac{I \cdot 1000}{\text{Ў}}$$

бу ерда: P_4 – қайтариш коэффиценти; H – муайян давр ичидаги шикастланишлар сони (ой, чорак, ярим йил, йил); P – ишловчилар сони.

Майиб бўлишлик оғирлик коэффиценти, вақтинчалик иш куни йўқотишни ўрнатилган ўртача давомийлик бир кўнгилсиз ҳодиса учун:

$$\dot{I}_0 = \frac{\dot{A}}{\dot{I}}$$

бу ерда P_0 – оғирлик коэффиценти; D – йўқотилган иш кунлари йиғиндиси; N – шу давр ичида содир бўлган кўнгилсизликда шикастланган шахслар сони.

Шикастланиш оғирлиги кўрсаткичи маълум даражада частота кўрсаткичини тўлдириб беради, юз берган шикастланишларга бир хил баҳо бериш мумкин бўлмайди, чунки уни шикастланувчининг:

а) жароҳат хусусиятига (механик, термик ва бошқ.); б) касби (токарь, слесар, юк ташувчи ва бошқ.); в) меҳнат стажи; г) ёши; д) жинсига қараб таҳлил қилинади.

2. *Шикастланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари.* Шикастланишнинг олдини олиш ишини ташкил этишда сигнализация йўли билан ҳисоблаш ва таҳил қилишнинг тезкор шакли мавжуд бўлиб, бу жуда қисқа муддат ичида (ҳафта, ой) ўтказилади. Унга қуйидаги маълумотлар киритилади: 1) цех; 2) асбоб-ускуналар туркуми; 3) вақти. Шулар асосида шикастланиш хавфи бўлган жойлар аниқланади ва унинг сабаблари бартараф этилади.

Ишлаб чиқаришда **шикастланиш** деб, корхона ҳудудида бўлган даврда киши танасининг бирор аъзоси тасодифан шикастланиши натижасида саломатлигига путур етишига айтилади.

Кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш, асосан, маъмурият раҳбарлари жавобгарлигида бўлиб, назорат ишлари меҳнат муҳофазаси бўлими зиммасида бўлади. Шикастланишнинг сабабларини ўрганиш, муҳандис-техник соҳасига тегишли масалалар, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ишчилар саломатлигини мустаҳкамлашга оид масалаларни ҳал этишда тиббиёт-санитария қисмидаги шифокорлар масъулдирлар.

Шикастланишлар турига қараб:

- механик (яра ташиш, синиш);
- термик (иссиқланиш, куйиш, совуқ уриш);
- кимёвий (куйиш, ўткир заҳарланиш);
- электр қувватидн шикастланишларга бўлинади.

Шикастланиш жойига қараб:

- оёқ ва бош шикастланиши (кўздан ташқари), гавда, қўл (бармоқлардан ташқари), шунингдек, кўп жойларнинг шикастланишига бўлинади.

Бошгидромет раҳбарлари меҳнат шароитини яхшилаш ва иш жараёнида бўладиган кўнгилсиз ҳодиса, яъни жароҳатланиш ва касб касаликларининг олдини олиш учун зарур бўлган хавфсизлик чораларини таъминлашга жуда катта эътибор беради.

Касб касалликлари деб ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар (хар хил кимёвий моддалар) таъсири натижасида ишчи соғлиқининг аста – секин ёмонлашувига айтилади.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг гуруҳларга бўлиниши. Кўнгилсиз ҳодисалар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. *Гуруҳлашган кўнгилсиз ҳодиса;*
2. *Ўлимга олиб борадиган кўнгилсиз ҳодиса;*
3. *Жиддий кўнгилсиз ҳодиса.*

Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп ишчилар иштирокида содир бўладиган кўнгилсиз ҳодиса гуруҳлашган кўнгилсиз ҳодиса деб аталади.

Агар ишчи (ходим) содир бўлган кўнгилсиз ҳодиса натижасидан зарар кўриб вафот қилса бундай ҳодиса ўлимга олиб борадиган кўнгилсиз ҳодиса деб аталади.

Иш жараёнида содир бўладиган кўнгилсиз ҳодиса тўфайли ишчиларнинг оғир жароҳат олиши – жиддий кўнгилсиз ҳодиса дейилади.

Кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш учун ўз вақтида малакали текшириш ишларига иш жараёнида содир бўлган жароҳат олиш сабабларини тушунтириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш куйидагича олиб борилади:

1. Ишчи ишдан қўйилмасдан аввал йўл – йўриқ (инструктаж)дан ўтганми?
2. Кўнгилсиз ҳодиса қандай содир бўлган ва унинг сабаблари?
3. Иш жойида ташкил этилган меҳнат шароити ва хавфсизлик чоралари талаб даражасига жавоб берадими ва йўқми?
4. Олинадиган маълумотлар таҳлили.

Юқорида қайд этилган кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва таҳлил қилиш маълумотларига асосланиб кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш чораларини қайта ишлаш ва оғир жароҳат олиш сабабларини бартараф этиш лозим. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўнгилсиз ҳодиса келиб чиқишига сабаб бўлган жавобгар шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Синов саволлари:

1. *Кўнгилсиз ҳодисалар қандай таҳлил этилади?*
2. *Шикастланишнинг олдини олиш чора-тадбирларининг асосий моҳияти нималардан иборат?*
3. *Кўнгилсиз ҳодисаларнинг қандай турларини биласиз?.*

5-маъруза. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ташкилий–ҳуқуқий асослари

Режа:

1. *Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида;*

2. *Меҳнат кодекси ва моддалари;*
3. *Меҳнатни муҳофаза қилишда ҳуқуқий масалалар;*
4. *Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси (МХСС).*

1. Меҳнатни муҳофаза қилишда ҳуқуқий масалалар. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов фармони билан тасдиқланган.

Меҳнат кодекси бир неча боб ва моддаларга бўлинган. Ўзбекистон Республикаси меҳнат Кодексининг 1–боби «Асосий қоидалар»га бағишланган.

1 бобнинг 8 моддасида «Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» масалари ёритилган. Жумладан ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади. Бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўривчи органлар томонидан амалга оширилади.

1- бобнинг 9-моддаси: Меҳнат соҳасидаги давлат бошқаруви (МСДБ) Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари (МТҚХ) га риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш.

МСДБ ини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг ҳуқуқий органлари амалга оширади.

МТҚХ ига ва меҳнатни муҳофаза қилиш органларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қйидагидар амалга оширади:

1. Махсус ваколатли берилган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;
2. Касаба уюшмалари ҳамда уларнинг меҳнат ҳуқуқи ва техника бўйича инспекциялари;

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари МТҚХ ига риоя этилишини текшириш қонунда белгиланган тартибда амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг тўлиқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош Прокрори ва унга бўйсинувчи прокурорлар тамонидан амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг XIII боби: “Меҳнатни муҳофаза қилиш” 211-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари (ММҚТ).

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

ММҚТлари ушбу кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

212 – модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари қоида ва йўриқномаларига риоя этиш мажбуриятлари (ХММҚН).

ХММҚНига қоида ва йўриқномаларига, шунингдек мажбуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиғи ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт.

213-модда. Ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи.

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишда ходимни меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва консенсациялар, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакилларига муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида ахборот бериши шарт.

215-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл – йўриқлар бериш ва ўқитиш.

Ходимларга техник хавфсизлиги ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилишнинг барча талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл – йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

216 – модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағлар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш маън этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат жамоалари, уларнинг вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан фойдаланилишини текшириб борадилар.

217-модда. Ходимларни сўт, даволаш профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган меъёрлар бўйича:

- сўт (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);

- даволаш профилактика озиқ-овқати;
- газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминландилар.

219-модда. Ходимнинг ўз ҳаёти ёки соғлигига таҳлил солаётган ишни бажаришни рад этиш ҳуқуқи.

Ходим иш жараёнида ўзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келиб қолганлиги тўғрисида иш берувчига дарҳол хабар қилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи органлар ана шу ҳолатларни тасдиқлаган тақдирда иш берувчи бу ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради. Агар зарур чоралар кўрилмаса, ходим ўзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақлидир. Ана шу давр мобайнида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

223-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан назорат қилиш ва текширув ўтказиш. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан давлат назорати ва текширувини давлат органлари амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текширувини касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширадилар.

Синов саволлари:

1. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қачон тасдиқланган?*;
2. *Меҳнат кодекси ва моддалари;*
3. *Меҳнатни муҳофаза қилишда ҳуқуқий масалалар;*
4. *Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси (МХСС);*

6-маъруза. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси (МХСС)

Режа:

1. *Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси;*
2. *Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси тузиши.*

1. *Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси.* Ҳозирги замон илмий техника тараққиёти ишлаб чиқаришда учраши мумкин бўлган зарарли омиллардан муҳофаза қилиш системасининг (тизимининг) такомиллашиши билан бирга бормоқда. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалаларини ҳал қилиш фақат битта категориядаги олимлар ва мутахассислар иши эмас. Саноат гигиенаси, меҳнат хавфсизлиги, меҳнат хавфсизлигини стандартлаш масалаларига тааллуқли илмий – тадқиқот ишларининг сони тинмай ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”да меҳнат шароитларини беҳатар ва соғлом қилиб яратиш кўзда тутилган.

Республикамизда ишлаб чиқаришдаги меҳнат шaroитларини гигиеник жиҳатдан нормаллашатиришнинг жаҳонда ҳаммадан илғор (прогрессив) тизими мавжуд. «Саноат корхоналарини лойиҳалашнинг санитария нормалари» эса жуда кўп моддаларнинг иш жойида йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорини белгилаб берган.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига доир 1000 дан зиёд меъерий ҳужжатлар жорий этилган. Давлат стандарти ва ташкилотлардаги касаба уюшма қўмитаси меҳнат хавфсизлиги соҳасида умумий давлат стандартлари тизими таркибини(структурасини) ишлаб чиқди; бу тизим асосий стандартларни, нормативларга тааллуқли давлат стандартларини ва хавф-хатар турларига доир умумий талабларни, ишлаб чиқариш ускуналари, ишлаб чиқариш жараёнларига ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлайдиган воситаларга қўйиладиган умумий талабларга доир давлат стандартларини ўз ичига олади. Бу тизимнинг ҳар бир бўлимидаги халқ хўжалиги соҳаларига оид стандартларини жойлаштириш кўзда тутилган.

2. *Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси тузиш.* МХСС стандартларини тузишда унинг лойиҳасини аввал саноат, давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий-техника бирлашмалари ва бошқаларнинг вакиллари билан албатта муҳокама қилиб чиқилади. Масалан, МХСС давлат стандартларининг лойиҳалари Республика Касаба уюшма қўмитаси марказлари билан келишилади.

Давлат ва соҳа стандартларининг лойиҳалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан, зарур бўлган ҳолларда давлат назорати органлари билан келишилади.

Нормаларга белгиланадиган давлат стандартлари ва хавф-хатар турларига тааллуқли умумий талаблар зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган энг кичик миқдори, концентрацияси ёки дозаларини, буларни ўлчаш методларига (услугларига) қўйиладиган талабларни, шунингдек, хавфли ва зарарли буғлар чиқарадиган моддалар билан ишлашда кўриладиган хавфсизлик чораларини белгилаб беради. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган умумий хавфсизлик талабларига оид стандартлар умуман ускуна конструкцияси ва айрим элементлари (ишчи органлари, бошқариш органлари, назорат сигнализация воситалари ва бошқа.)га қўйиладиган хавфсизлик талабларини ва шу талабларнинг бажарилишини назорат қилиш методларини белгилаб беради. Булар технологик система элементларини хавфсиз қилиб жойлаштириш, ускуналар, бошқариш системаларининг иш режимлари ва ходимларнинг меҳнат режими талабларини ҳимоя воситаларини қўлланишга қўйиладиган талабларни ҳамда хавфсизлик чораларига амал қилинишини назорат қилиб бориш методларини ҳам ўз ичига олади. Ҳимоя воситаларига тааллуқли стандартлар бу воситаларнинг тузилишига, улардан фойдаланиш йўллари, гигиеник хоссаларига қўйиладиган талабларни, шунингдек уларни синаш, баҳолаш методларини белгилаб берадиган бўлиши керак.

МХСС жаҳондаги стандартлаш амалиётида биринчи бўлиб, яратилган системадир. У меъёрий ҳужжатларни тартибга солиши, машиналар, ускуналар, технологик жараёнлар ва бошқаларга тегишли стандартлар ва техника шартларига тааллуқли меҳнат гигиенаси ва хавфсизлик техникаси бўлимларининг ўзаро муносабатини белгилаб бериши хавфсизлик техникаси бўлимларининг ўзаро муносабатини белгилаб бериши керак. Меҳнат хавфсизлиги соҳасида стандартлар ишлаб чиқиш комплекс стандартлаш системасидаги янги ва давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим йўналишдир.

Синов саволлари:

- 1. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системасининг аҳамияти.*
- 2. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси қандай тузилади?*
- 3. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қандай меъёрий ҳужжатлар жорий этилган?*

7-март. Меҳнат муҳофазаси

Режа:

- 1. Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар;*
- 2. Меҳнат муҳофазасига оид мавжуд қонунлар.*

1. Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар. Меҳнат муҳофазаси – кишининг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган техникавий, санитария-гигиена ва ҳуқуқий тадбирлар мажмуи.

Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар қуйидагилардан иборат:

- ишчи ва хизматчиларга 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси, айрим касб ва ишлаб чиқариш соҳалари учун қисқартирилган иш куни, қисқартирилган тунги иш вақтини белгилаш;
- ҳар йили пуллик меҳнат таътили, ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилиши;
- давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилиши;
- хавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитариясини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- кенг профилактик тадбирлар ўтказиш;
- келажак авлод саломатлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш (жумладан, ўқув ва меҳнат тарбияси билан боғлиқ бўлмаган болалар меҳнатини таъқиқлаш). Шунингдек, даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, кишиларнинг дам олишлари учун қулайшароитлар яратиб беришни ўз ичига олади.

2. Меҳнат муҳофазасига оид мавжуд қонунлар. Меҳнат муҳофазасига оид мавжуд қонунларга мувофиқ нормал, қисқартирилган ва тўлиқ бўлмаган иш вақти белгиланган. Корхона, муассаса, ташкилотлардаги ишчи ва

хизматчилар учун нормал иш вақти ҳафтада **41 соат**дан ошмаслиги керак. Қисқартирилган иш вақти эса алоҳида меҳнат шароитида:

- касб зарарликлари билан боғлиқ бўлган ишларда ишловчи ишчи ва хизматчилар учун;

- алоҳида категориядаги хизматчилар (ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқалар учун;

- кўзи ожиз ногиронлар учун ҳам белгиланади.

Чунончи **16-18 яшар** ишчи ва хизматчилар учун ҳафталик иш вақти **36 – соат**дан, **15-16 яшар** ўсмирлар учун **24 соат**дан ошмаслиги лозим. Тўлиқ бўлмаган иш вақти (тўлиқ бўлмаган иш куни ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси) ишга қабул қилиб олинаётганда ёки маъмуриятнинг ишчи ва хизматчилар билан келишуви асосида белгиланиши мумкин.

Хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси, шунингдек, ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (системаси) қоидаларида ҳам меҳнатни муҳофазасига оид бир қанча меъёрий (норматив) маълумотлар баён этилган.

Синов саволлари:

1. *Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар нималардан иборат?*

2. *Меҳнат муҳофазасига оид мавжуд қонунларда иш вақти қандай белгиланади?*

8-маъруза. Меҳнатга қобилиятсизлик

Режа:

1. *Меҳнатга қобилиятсизлик;*

2. *Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (МКВ).*

1. *Меҳнатга қобилиятсизлик.* Доимий (узок вақт давом этадиган) ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тафовут қилинади. Доимий меҳнатга қобилиятсизлик – *ногиронликдир*. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўлиқ ёки қисман бўлиб, қисқа муддатда меҳнатга қобилияти тикланиши мумкин. *Тўлиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик* деганда бирор ишга қобилият йўқотилади ва бемор уйда даволанади. *Қисман вақтинча меҳнатга қобилиятсизликда* бемор одатдаги ишни бажара олмайди, аммо соғлигига путур етмаган ҳолда бошқа ишни бажариши мумкин. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни шифокор белгилайди. Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (ишдан озод қилиш ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқини беради) ёки ишдан ва ўқишдан озод қилинадиган маълумотнома (справка) бериб расмийлаштирилади.

Касаллик ёки ишлаб чиқариш ва турмушда юз берадиган кўнгилсиз ҳодисалар меҳнатга қобилиятсизликнинг асосий сабабидир. Бироқ юридик жиҳатдан тиббий кўрсатмаларига биноан, меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ёки маълумотнома бериш билан ишдан озод қилиш (карантинда сақлаш, ўткир юқумли касалликларнинг кўзғатувчиларини ташувчиларни ишдан

четлатиш, оила аъзолари томонидан касалга қараб туриш ва бошқ.) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик деб қаралади.

Касаллик оқибатида юз берадиган меҳнатга қобилиятсизлик кўп учрайди. Бунда касаллик туфайли меҳнат жараёнини тамомила ёки қисман бажариш мумкин бўлмай қолади. Меҳнатга қобилиятсизлик узлуксиз 4 ёки 5 ой, орада танаффуслар билан бир йил давом этганда *узоқ муддатли* меҳнатга қобилиятсизлик деб қаралади ва одатда даволаш муассаси беморни шифокорлар меҳнат эксперт комиссиясига юборади. Ногиронлик гуруҳи ва ногиронликка олиб келган касаллик характерида қайси назар, иўлайдиган ногиронларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаларига фақат узлуксиз 2 ой давомида ва календар йилда 3 ой давомида ҳақ тўланади. Бу меҳнатдан мажруқ бўлиб эмас, бунда меҳнатга қобилиятсизлик варақалари бемор соғайгунга қадар бутун муддати ёки янги касаллик туфайли ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунгача берилади.

Ишлаб чиқаришда кўнгилсиз ҳодиса туфайли юз берган меҳнатга қобилиятсизликда (шу жумладан ишга кета туриб ва ишдан қайтаётганда йўлда содир бўлган кўнгилсиз ҳодисаларда) корхона ёки муассаса маъмурияти акт (далолатнома) тузади, унда кўнгилсиз ҳодисанинг юз берган вақти, жойи, сабаблари кўрсатилади, меҳнатга қобилиятсизлик варақаси меҳнатга қобилиятсизликниг биринчи кунидан бошлаб то меҳнат қобилияти тиклангунга қадар берилади. Турмушда юз берган кўнгилсиз ҳодисада меҳнатга қобилиятсизлик варақаси 6-кундан бошлаб берилади, дастлабки 5-кун ишдан озод қилиш маълумотномаси билан расмийлаштирилади. Беморни парвариш қилиш зарур бўлса ва уни касалхонага олиб бориш мумкин бўлмаса, меҳнатга қобилиятсизлик варақаси 3 кунга берилади.

2. *Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (МҚВ).* Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (МҚВ), касаллик варақаси (бюллетен) - ишчи ёки хизматчи вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлганда ишламай туриб нафақа олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатдир. Давлат ижтимоий кафолат (страхованиеси) қонунларига мувофиқ – барча ишчи ва хизматчиларга касал бўлганда, кўнгилсиз ҳодиса юз берганда, карантинда, ўткир юқумли касалликларнинг кўзғатувчиларини ташувчиликда, баъзан санаторий – курортларда даволанишда ишламай туриб нафақа олиш ҳуқуқи берилади.

Шифокорлар меҳнатга қобилиятсизлик варақасини 6 кунлик муддатга беришади. Уни ана шу муддатдан ортиқ кунга шифокорлар маслаҳати комиссияси узайтиради. Санаторий-курортларда даволаниш учун МҚВни даволаш муассаси қошидаги санаторияга йўллаш (танлаш) комиссияси беради. Қонунда белгиланган ҳажмдаги МҚВ бўйича нафақаларни фабрика, завод касабга уюшма кўмитаси қошидаги ижтимоий таъминоти (кафолатланиш) ва цех касабга уюшма кўмитаси қошидаги ижтимоий таъминоти бўйича цех комиссиялари белгилаб беради.

Синов саволлари:

1. *Меҳнатга қобилиятсизлик деганда нима тушунаси?*
2. *Меҳнатга қобилиятсизлик турларини тушунтириб беринг.*

3. *Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси қандй ҳужжат ҳисобланади.*

9-мартуза. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, хавфсиз меҳнат қилиш чораларига ўрганиш

Режа:

- 1. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш;*
- 2. Хавфсиз меҳнат қилиш чораларига ўрганиш;*
- 3. Ишчиларни йўл-йўриқ (инструктаж)дан ўтказиш.*

1. *Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш.* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига амал қилган ҳолда ҳеч бир ишчи йўл-йўриқ (инструктаж) ва техника хавфсизлигини ўрганмасдан мустақил равишда ишга қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 211- моддасига асосланиб барча корхона, ташкилот ва уларнинг бўлимларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишчи ва хизматчиларни йўл – йўриқдан (инструктаж) ўтказиш корхона ёки ташкилот раҳбарларига топширилади.

Юқорида қайд этилганидек бу мажбурият буйруқ асосида ташкилот раҳбарига юклатилади. Лекин инструктажнинг ўз вақтида назорати ва сифатли ўтказишини, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ёки унинг муҳандис (инженер) – техник ходимлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тасдиқлаган 161-1 сонида ҳам инструктаждан ўтказилиш тартиби кўзда тутилган. Инструктаж дастури қўлланма асосида тузилади. Бу қўлланма корхонанинг касаба уюшма органи ва мажбурият ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқилиб тасдиқланади. Лекин ҳар бир касб учун тасдиқланган норма ва қоида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига тўғри келиши шарт.

Ишчиларни инструктаждан ўтказишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Бошланғич инструктаж;
2. Дастлабки инструктаж (иш жойида ўтказилади);
3. Вақти–вақти билан бўладиган инструктаж (такрор бўлиб турадиган);
4. Режадан ташқари инструктаж;
5. Бирор мақсадларга қаратилган инструктаж;

1. *Бошланғич инструктаж* корхона ва ташкилотларга келган ҳар бир ишчи (ишга қабул қилингандан кейин) ёки талаба (ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилишига қадар) ва командировкага келган ишчиларга ўтказилади.

Бошланғич инструктаж меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ходими томонидан қоидага бўйсинган ҳолда ўқув жойида ёки махсус жиҳозланган меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида ўтказилади.

Инструктаждан ўтганлиги ҳақида махсус журналга қайд этилади. Инструктажни ўтказган шахс ва инструктаждан ўтганлигини тасдиқлаш учун махсус журналга имзо қўйилади. Бу инструктаждан ўтганлиги ҳақида ишчининг ишга қабул қилинаётган қоғозига ёзилади, яъни табиий кўрик

маълумотномаси билан бирга шахсий хужжатлар папкасига тикилади ва кадрлар бўлимида сақланади.

2. *Дастлабки инструктаж.* Дастлабки инструктаж иш жойида ўтказилади. Бунда ишларни асбоб-ускуналар, иш жойидаги хавфли минтақалар билан таништирилади ва иш жойида хавфсиз ишларни қабул қилинган усулардан қандай қўлланишларини кўрсатади.

Дастлабки инструктаж иш бошлангунга қадар ўтказилади. Иш жойидаги дастлабки инструктаж дастури қуйидагича:

- ишлаб чиқариш участкасидаги техник жараёнлар билан таништириши;

- иш жойидаги ишчиларнинг мажбуриятлари;

- иш жойига мослаштирилган, сақланган, асбоб ускуналар, ҳимоя қилинадиган қутқазадиган воситаларни таёрлаш ва белгиланган қоидага асосланиб, тартибли равишда фойдаланиш тушунтирилади;

- махсус таёрланган ишчи кийим, пойафзал, бош кийими ва улардан тўғри фойдаланиш иш вақтида талаб қилинади;

- электр ускуналари билан тўғри ишлаш ва электр инструментларини тартиб билан сақлаш;

- иш жойида хавфсиз шароитлар ва шахсий гигиенага риоя қилиш, яъни портлашга мойил ва зарарли химикатлар (кислота, бензин, эритувчи моддалар ва ҳоказо).

3. *Вақти – вақти билан инструктаж.* Вақти – вақти билан инструктаж олдинги босқич олдинги босқич инструктаж билимларига эга бўлган ишчилар учун ўтказилади. Бундай инструктаж Бошгидрометга ҳар 6 ойда ўтказилади. Бу инструктаж ҳам тўғридан – тўғри дастлабки инструктаж дастури бўйича иш жойида ўтказилади.

4. *Режадан ташқари инструктаж.* Режадан ташқари инструктаж қуйидагича ўтказилади:

1. Технологик жараён ўзгариши, яъни натижада ишдаги хавфсизлик шароити ҳам ўзгаради;

2. Қор ўлчаш маршрут ива экспедитцияга кетишдан олдин;

3. Ишлаб чиқаришдаги технологик тартибнинг бузилиши натижасида ишчиларнинг меҳнат хавфсизлигини талаб қилган ҳолларда.

4. *Бирор мақсадга қаратилган инструктаж.* Бирор мақсадга қаратилган инструктаж мутахассис бўйича мажбурий бўлмаган ҳар хил ишлар (бирор юкни тушириш ва юклаш, иш жойини тозалаш)ни бажариш, содир бўлган авария натижасини тугатиш, ишлаб чиқаришда рўй берган фожиали ва табиий офат ҳодисаларига тегишли бўлган хужжатларини расмийлаштириш учун ўтказилади.

Ишлаб чиқаришдаги айрим хавфли ҳодисалар хужжатли расмийлаштирилиши керак.

- юк кўтарган электр узатиш линияларига яқинлашганда;

- метерологик станциядаги мачта антенани профилактик ишларида;

- иш жойида ўтнатилган электр ускунаси 1000 вольтдан юқори кучланишга эга бўлганда;

- томдаги қорни тозалаш ва таъмирлашда;
- портлшга мойил бўлган ва олиб келинган ўта таъсир қилувчи захарли моддаларни тушириш ва юклашда.

Иш жойида барча инструктажлар (бошланғич дастлабки, вақти-вақти билан бўладиган инструктаж, режадар ташқари, бирор мақсадга қаратилган)ни иш берувчи раҳбар ўтказиши керак ёки унинг кўрсатмасига биноан инженер – техник ходимлар томонидан амалга оширилади.

Иш жойида ўтказилган инструктажларни махсус инструктаж журнаliga қайд этилиши шарт. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, инструктаж ишларини олиб борган ва инструктаждан ўтган ишчи имзоси қўйилиши керак.

Синов саволлари:

1. *Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш қандай амалга оширилади?*
2. *Хавфсиз меҳнат қилиш чоралари деганда нимани тушунаси?*
3. *Ишчиларни йўл-йўриқ (инструктаж)дан ўтказишнинг қандай турлари мавжуд?*

10-март. Бошгидрометда кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш

Режа:

1. *Кўнгилсиз ҳодисаларнинг турлари;*
2. *Кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш.*

Бошгидромет раҳбарлари меҳнат шароитини яхшилаш ва иш жараёнида бўладиган кўнгилсиз ҳодиса, яъни жароҳатланиш ва касб касаликларининг олдини олиш учун зарур бўлган хавфсизлик чораларини таъминлашга жуда катта эътибор беради.

Касб касалликлари деб ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар (ҳар хил кимёвий моддалар) таъсири натижасида ишчи соғлигининг аста – секин ёмонлашувига айтилади.

Кўнгилсиз ҳодисалар куйидаги турларга бўлинади:

- Гуруҳлашган кўнгилсиз ҳодиса;
- Ўлимга олиб борадиган кўнгилсиз ҳодиса;
- Жиддий кўнгилсиз ҳодиса.

Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп ишчилар иштирокида содир бўладиган кўнгилсиз ҳодиса *гуруҳлашган кўнгилсиз ҳодиса* деб аталади.

Агар ишчи (ходим) содир бўлган кўнгилсиз ҳодиса натижасидан зарар кўриб, вафот қилса, бундай ҳодиса *ўлимга олиб борадиган кўнгилсиз ҳодиса* деб аталади.

Иш жараёнида содир бўладиган кўнгилсиз ҳодиса туфайли ишчининг оғир жароҳат олиши – *жиддий кўнгилсиз ҳодиса* дейилади.

Кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш учун ўз вақтида малакали текшириш ишларига иш жараёнида содир бўладиган жароҳат олиш сабабларини тушунтириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш қуйидагича олиб борилади:

1. Ишчи ишдан қўйилмасдан аввал йўл – йўриқ (инструктаж)дан ўтганми?

2. Кўнгилсиз ҳодиса қандай содир бўлган ва унинг сабаблари?

3. Иш жойида ташкил этилган меҳнат шароити ва хавфсизлик чоралари талаб даражасига жавоб берадими ва йўқми?

4. Олинадиган маълумотлар таҳлили.

Юқорида қайд этилган кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва таҳлил қилиш маълумотларига асосланиб кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш чораларини қайта ишлаш ва оғир жароҳат олиш сабабларини бартараф этиш лозим. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўнгилсиз ҳодиса келиб чиқишига сабаб бўлган жавобгар шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Синов саволлари:

1. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг қандай турлари мвжуд?

2. Кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

11-март. Индивидуал ҳимоя воситалари (ИХВ)

Режа:

1. Индивидуал ҳимоя воситалари (ИХВ);

2. Турли хил махсус кийимлар;

3. Турли хил махсус пойабзаллар;

4. Қўлни ҳимоя қилиш учун кийиладиган қўлқоплар;

5. Бош ва юзни ҳимоя қиладиган воситалар.

1. Индивидуал ҳимоя воситалари (ИХВ) – хавфли ва зарарли ишлаб чиқаришда ишловчиларга таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш ва камайтириш мақсадида қўлланиладиган махсус кийим – кечаклар ҳамда турли мосламалардир. Белгилаб берилган меҳнат шароитини янада яхшилашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишида ишчи ва хизматчиларни ИХВ билан таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутди.

ИХВ тайёрлашга йил сайин кўпроқ маблағ ажратилмоқда. ИХВдан бепул фойдаланадиган кишилар сони узлуксиз кўпайиб бормоқда. ИХВнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ИХВ қандай мақсадларга мўлжалланганлигига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- изоляцияловчи (изоляция – ажратиб қўйиш; айириб яккалаб қўйиш; изоляция қилиш);

- костюмлар – пневмокостюмлар ҳимояловчи воситалар-противогозлар, респираторлар, пневмо-шлёмлар, пневмомоскалар;

- махсус кийимлар – комбинезонлар, куртка, шим, костюм, халат, пашч, калта пўстин, узун пўстин, фартук, нимча.

2. Турли хил махсус кийимлар:

- иш комбинезони;
- қишда алоҳида иқлим шароитида ишлаганда кийиладиган кийим;
- брезент костюм;
- сув чиқиб кетган шахталарда ишловчилар киядиган сув ўтказмайдиган костюми;
- кислота таъсир этмайдиган костюм;
- ишлаб чиқариш чангидан сақлайдиган костюм ва шлеми;
- иш халати;

3. Турли хил махсус пойабзаллар:

- мой- бензин шиммайдиган резина этик
- ток ўтказмайдиган боти (оёқ кийими) ва калиш;
- чангли ва портлаш хавфи бор цехларда ишлайдиганлар кийадиган чарм ботинка;

4. Қўлни химоя қилиш учун кийиладиган қўлқоплар:

- юпка пўлат тахтасини ишлатаётганда қўлни кесиб кетмаслиги учун кафти халқа – халқа тўр қилиб тикилган қўлпайпоқ;
- кислота шиммайдиган қўлпайпоқ;
- умуман ишлаб чиқаришда кийиладиган резина қўлпоқ.

5. Бош ва юзни химоя қиладиган воситалар:

- дюраль каска;
- тиниқ плексигласдан қилинган тушириб қўйиладиган тўсғичли химоя каска;

Бошни химояловчи воситалар – каска, шлём, шапка, берет, шляпа.

Юзни химояловчи воситалар – химоя қалқон.

Эшитув органларини химоя қилувчи органлар:

- шовқин сўндирувчи шлём;
- шовқин сўндирувчи кулоқлик (наушник);
- шовқин сўндирувчи.

Синов саволлари:

1. Индивидуал химоя воситалари деганда нимани тушунаси?
2. Турли хил махсус кийимларнинг турларини санаб беринг;
3. Турли хил махсус пойабзалларга изоҳ беринг;
4. Қўлни химоя қилиш учун кийиладиган қўлқоплар, бош ва юзни химоя қиладиган воситаларнинг аҳамияти.

12-маъруза. Шовқин ва вибрация

Режа:

1. Шовқиннинг одам организмига таъсири;
2. Шовқинга қарши курашиш масаласи.

1. Шовқиннинг одам организмига таъсири. Шовқин-одам организмига салбий таъсир этадиган ва унинг ишлашига, дам олишига ҳалакит берадиган товушлар мажмуаси (комплекси).

Нормал эшитадиган одам частотаси 16 дан 20000 гц гача жадаллиги (интенсивлиги) нолдан 120-130 дб(децибеллер)гача бўлган товуш тебранишларини қабул қилади (эшитади). Катта жадалликдаги товуш (шовқин) қулоқ пардасига юқори босим билан тазйиқ кўрсатиши туфайли одамга кучли таъсир этади, жадаллиги 150 дб гача бўлган товушга чидаб бўлмайди. Узоқ муддат давом этган ёки жуда баланд шовқин кишининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон илмий – техника тараққиёти шароитида шовқин ташқи муҳитнинг жиддий салбий омилларидан бири бўлиб қолди.

Шаҳарларнинг юксалиши транспорт ва саноатнинг жадал ривожланиши, ишлаб чиқариш ва турмушда янги техника (кучли моторлар, электр ускуналари, компрессорлар, радио телевидение, рўзгор асбоблари ва бошқ.)нинг қўлланиши шовқин манбаларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Автомобил транспорти, изли ва ҳаво транспортлари шаҳардаги асосий шовқин манбаларидир. Шовқин бошқа кўнгилсиз омиллар, чунончи: тебранма ҳаракат, чанг, тутун, газ билан бирга таъсир этганда одамга кучли зарар қилади.

Баъзи йирик шаҳарларда шовқин даражаси саноат шовқини кучига (80-100 дб га) тенглашиб боради. Шовқин ва унинг кишилар саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсирига қарши курашиш халқаро масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда шовқин касалликлар сонини кўпайтирувчи омиллардан деб қаралмоқда. Олимлар асаб, юрак томири ва яра касалликларини, шаҳар аҳолисида ҳамда юмуши шовқин билан боғлиқ бўлган баъзи бир касбдаги ишчиларда қулоқ оғирлиги касалликларининг кўпайиб бораётганлигини шовқиндан деб қарамоқдалар. Шовқин биринчи навбатда эшитиш органини шикастлайди. Одам қулоқнинг шовқинга қарши ҳеч қандай суъний ҳимоя йўқ. Товушни изоляциялайдиган воситалари йўқ шароитларда одамнинг жисмоний ва ақлий иш қобилияти пасаяди.

Шовқин марказий нерв системасига ёмон таъсир этиб, бош мия пўстлоғи хужайраларини ҳолдан тойдиради. Шовқин таъсирида киши яхши ухлай олмайди, тез чарчаб қолади, диққат-эътибор сусаяди, ҳаракат уйғунлиги, гавда мувозанати бузилади, умумий иш қобилияти ва меҳнат унумдорлиги пасаяди. Шовқиннинг организмга узоқ вақт таъсир этиши натижасида марказий нерв системаси фаолиятининг бузилиши *гипертония* касаллиги пайдо қилувчи омиллардан биридир. Шовқиннинг доимий тазйиқ этиб туриши кишининг асабини бузади. Дам олиш вақтида ва уйқуда ором олиб кучга-куч қўшилиши пайтидаги шовқин кишининг саломатлигига жуда ёмон таъсир этади.

2. Шовқинга қарши курашиш масаласи. Шовқинга қарши курашиш масаласи давлат миқёсида планли равишда ҳал қилинмоқда. Одам организмига шовқин таъсир этишининг олдини олиш учун қатор ташкилий, техник ва тиббий тадбирлари кўрилади. Технологик ускуналар ва турли хил

транспортларнинг шовқинини пасайтириш тадбирлари муваффақиятли амалга оширилмоқда, ишлаб чиқариш шароитини соғломлаштириш ва кишиларнинг айниқса тунги пайтларда нормал дам олишини таъминлаш бўйича комплекс инженер – техник ва ташкилий чоралар ишлаб чиқилмоқда.

Шовқинга қарши курашиш масалаларини ҳал қилишда санитария – эпидемиология хизматининг аҳамияти катта. Санитария – эпидемиология хизмати турар жойлар, жамоат ва саноат биноларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш устидан профилактик ва жорий назорат олиб боради.

Шовқин уни келтириб чиқарувчи сабабларга қараб турли усул ва воситалар ёрдамида пасайтирилади. Ишлаб чиқаришдаги шовқин ютувчи воситалар чунончи: пойдеворларга амортизацияловчи, товуш ўтказмайдиган ва товуш ютувчи қурилиш материаллари ишлатиш, товушни изоляцияловчи тўсиқлар ва ёпмалар қўлланиш, қурилиш материалларини тўғри танлаб фойдаланиш, машиналарни изоляциялаш (уларни герметиклаш) ва бошқалар ёрдамида бир мунча камайтирилади. Шовқинга қарши индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти ҳам муҳим.

Кўча шовқинига қарши курашишда аҳоли кўп яшайдиган районларни сершовқин транспорт тури (трамвай, юк машиналари ва бошқ.)дан ҳоли қилиш: трамвай ўрнига троллейбус ва автомобиллар ишлатиш; транспорт сигналини таъқиқлаш; йўл қопламаларини тўғри қуриш; кўчаларни тўғри планировкалаш; саноат корхоналари; аэродромлар ва темир йўл линиялари шаҳар ташқарисига қуриш; биноларни товуш ўтказмайдиган қилиб ишлашнинг муҳим аҳамияти бор.

13-март. Вибрация

Режа:

- 1. Вибрация тушунчаси;*
- 2. Вибрациянинг турларга бўлиниши.*

1. Вибрация тушунчаси. Вибрация латинча сўз бўлиб, *vibratio* - тебраниш, титраш деган маънони билдиради. Вибрация – қаттиқ жисмларнинг механик тебраниши, силкиниши. Саноат ва турмушда кенг фойдаланиладиган механизациялаштирилган пневматик ва электр асбоблар, ҳар хил машина, станоклар вибрацияга сабаб бўлади.

Вибрация – тебранувчи нуқтанинг турғун ҳолатдан миллиметрлар ҳисобига олинган силжиш катталиги (амплитудаси) ва секундаги тебранишлар сони билан характерланади. Тебраниш тезлиги абсолют катталиқлар (м/сек) билан ҳам, нисбий катталиқлар (децибеллар) билан ҳам ифодаланади.

Вибрация техникадагина эмас, баъзи асаб ва мускул касалликларни даволаш учун медицинада ҳам кенг фойдаланилади (вибротерапия, вибромассаж). Ишлаб чиқариш ва турмушда вибрация одам организмига таъсир қилиб, бир қанча физиологик функцияларнинг бузилишига олиб

келиши, таъсири узоқ чўзиладиган бўлса, вибрация касаллигига сабаб бўлиши мумкин.

2. *Вибрациянинг турларга бўлиниши.* Вибрация икки турга бўлинади:

1. Маҳаллий вибрация;

2. Умумий вибирация.

Ишлаб турган одамнинг асосан кўлига таъсир кўрсатадиган маҳаллий вибрация ҳамда бутун организмга таъсир қиладиган (иш ўрни, пол тебраниб турадиган бўлса) умумий вибрация фарқ қилинади.

Маҳаллий вибирация таъсирида келиб чиқадиган вибрация касаллигида аксари кечаси кўл панжаси оғрийди, совуқда кўл увишиб, бармоқлари оқариб туради, бел ва юрак соҳасида ҳам оғриқ пайдо бўлади. Касалликда асосан томирларда қон айланиши бузилади. Аввалига қайси кўл вибрация таъсирида кўпроқ учраб турадиган бўлса, ўша кўл томирларида қон айланиши ўзгаради. Касаллик зўрайиб борган сари бу жараён иккинчи кўл томирларигагина эмас, балки оёқ панжаси, юрак, мия томирларига ҳам ўтади; кўлда, кўпинча оёқда ҳам оғриқ туриб, сезувчанлиги ўзгаради. Кўл ва оёқ панжалари терисининг температураси (ҳарорати) пасаяди. Касаллик узоқ чўзилиб, оғирлашиб борган сари сезувчанлик кўпроқ пасаяди.

Умумий вибирацияда эса миядаги ўзгаришларга алоқадор ҳодисалар пайдо бўлади. Бош оғриб айланади, кўпинча вестибуляр система зарарланади.

Беморни мутахассис шифокор даволайди. Витаминлар, физиотерапия, даво физкультураси, курортларда даволаниш буюрилади. Вақтида одамни вибрация бўлмайдиган ишга ўтказиш мумкин.

Касалликнинг олдини олиш вибрация даражасини гигиеник жиҳатдан нормаллашга асосланган. Нормаллашда вибрациянинг йўналиши таъсирининг қанчалик узоқ таъсир этиши, характери ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш бинолари, тракторлар, қишлоқ хўжалиги, мелиорация, йўл қурилиши машиналари ва юк ташиладиган транспортдаги вибрация даражаси санитария қонунлари билан белгиланган.

Гигиеник норма белгилаш билан бир қаторда тебранишни келтириб чиқарадиган кучлари мувозанатлаш орқали машиналар, асбоб ускуналарнинг силкиниши бартараф этилади; эластик элементлар ва вибрацияни сўндирувчи воситалар ёрдамида тебраниш ўтишини камайтириш чоралари кўрилади; ишловчининг тебраниб турган юзага тақалишини чеклайдиган ёки бутунлай бартараф этадиган технологик жараёнлар жорий этилади; меҳнат қилиш ва дам олишнинг маъқул режими ўрнатилади; одам вибрация таъсир қилиб турадиган вақтни камайтириш мақсадида икки ишни бажарадиган комплекс бригадалар тузилади. Вибрация сўндирувчи кўлқоп ва пойабзал сингари индивидуал ҳимоя воситаларидан кенг фойдаланилади.

Вибрациядан сақлайдиган баъзи индивидуал воситалар:

1. Вибирацияни изоляциялайдиган платформа;

2. Антивибирация (вибирацияга қарши) тасма;

3. Вибирацияга қарши пойабзал;

Бетон қуювчи киядиган, вибирацияни сўндирувчи пружинали куйма.

Вибрация шароитида ишлаш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига ҳар бир ишчининг риоя қилиши касалликларнинг олдини олиш энг муҳим чора ҳисобланади.

Синов саволлари:

1. *Вибрация тушунчасига изоҳ беринг.*
2. *Вибрация қандай турларга бўлинади?*

14-март. Ҳавони захарли моддалардан тозалаш

Режа:

1. *Чанг ва унинг инсон организмига таъсири;*
2. *Заҳарли газларнинг ажралиб чиқиши ва уларга қарши кураш.*

1. *Чанг ва унинг инсон организмига таъсири.* Халқ хўжалигидаги кўп ишларни бажаришда чанг ҳосил бўлади. Улар келиб чиқиш манбаларига кўра, *табиий* ва *сунъий* чангларга бўлинади. *Табиий чанглар* – инсон таъсирисиз ҳосил бўлади. Бундай чанлар туркумига шамол ва бўронлар таъсирида кум ҳамда тупроқнинг эрозияланган қатламлари учиши, ўсимлик ва ҳайвонот оламида, вулқонлар отилиши ва бошқа ҳолларда пайдо бўладиган чангларни киритиш мумкин. Табиий чангларнинг атмосфера муҳитидаги миқдори табиий шароитга, ҳавонинг метеорология ҳолатига, йилнинг фасллари ва аниқланаётган зонанинг қайси минтақада жойлашишига боғлиқ. Масалан, атмосферадаги чангнинг миқдори шимолий туманларга нисбатан жанубий туманларда, ўрмон зоналарига нисбатан чўл зоналарида, шунингдек қиш ойларига нисбатан ёз ойларида кўпроқ бўлиши маълум. Олимларнинг фикрича, ҳар бир кубометр ҳаво таркибида чанг зарралари далалар ва боғларга нисбатан шахарларда ўн марта кўпроқ экан. Тоғли ҳудудларда эса чанг зарралари ундан ҳам камроқ бўлади.

Саноат корхоналари ва курилишларда инсоннинг бевосита таъсири натижасида *сунъий чанглар* ҳосил бўлади. Ишлаб чиқаришнинг баъзи бир тармоқларида шундай хавфли саноат чанглари ажраладики, уларни тозаламасдан чиқариб юбориш фожиали оқибатларга олиб келади. Келиб чиқиш хусусияти бўйича органик, минерал ва аралашма чанглар фарқланади. Чангнинг зарарли таъсири унинг кимёвий таркибига боғлиқ.

Чангнинг катталигига қараб уч гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- катталиги 10 мкм.дан катта бўлган чанглар. Одатда бундай чанглар ўз оғирлиги таъсирида ерга тушади;

- катталиги 10 мкм.дан 0,25 мкм.гача бўлган чанглар. Бу чангларни майда чанглар ёки микроскопик чанглар деб юритилади. Улар ерга жуда секинлик билан тушади;

- катталиги 0,25 мкм.дан кичик бўлган чанглар. Бу чанглар ултрамикроскопик чанглар деб юритилиб, уларга ерга тушмасдан ҳавода учиб юради.

Ишлаб чиқариш чангининг инсон саломатлигига зарарли таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади. Уларга, биринчи навбатда, чанг зарраларининг физик-кимёвий хоссалари, катталиги вашакли, ҳаводаги чанг миқдори, ишлаш давомидатаъсир этиш муддати ва касб стажи муҳит ва меҳнат

фаолияти билан боғлиқ омилларнинг бир вақтда таъсир этиш киради. Масалан, ташқи ҳарорат кўтарилганда ёки киши жисмоний меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиши натижасида организмга чанг кириш даражаси ортади. Бир вақтда радиоактив аэрозоллар бўлиши ва ҳаводаги газлар таъсири чангнинг организмга зарарини кучайтиради. Организмнинг чангга қарши реакцияси ҳаммада бир хил кечмайди, бу нафас йўллариининг филтрлаш хусусияти, биологик қаршилиқ ва бошқаларга боғлиқ.

2. *Заҳарли газларнинг ажралиб чиқиши ва уларга қарши кураш.* Саноатда ишлаб чиқариш заҳарлари деб, одамга меҳнат фаолияти шароитида таъсир этадиган, иш қобилияти ва соғлиғини сусайтирадиган касбий ёки ишлаб чиқаришда рўй берадиган зарарланишларни вужудга келтирадиган омилларга айтилади. Уларни асосан токсикология фани ўрганади. Бу фан ишлаб чиқариш заҳарларининг организмга таъсир қилиш белгиларини ўрганади, уларнинг зарарли ва хавфлилиги даражасини белгилайди, гигиеник меъёрлар ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Заҳарлар умумий ва маҳаллий таъсир қилиши мумкин. Умумий таъсир заҳарнинг қонга сўрилиши натижасида ривожланади. Масалан, марганецдан заҳарланишда асаб тизими, бензол таъсирида эса, қон ажратиш органлари зарар кўради. Маҳаллий таъсир кўрсатишда тўқмаларнинг шикастланиши: таъсирланиш, яллиғланиш ҳодисалари, ишқорли ва кислотали эритмалар, буғлар билан ишлаганда тери ҳамда шиллиқ пардаларнинг куйиши содир бўлади.

Ишлаб чиқаришда заҳарланишлар ўткир, ўртача ва сурункали шаклларда ўтади. Ўткир заҳарланишлар асосан гуруҳ ҳолатида бўлади. Бу зарарланишлар куйидагича тавсифланади:

1. Заҳар қисқа муддатда – бир сменада таъсир қилади;
2. Организмга заҳар катта миқдорда тушиши, ҳаводаги миқдори жуда юқори бўлиши, кимёвий моддани билмай ичиб қўйиши ёки тери қаттиқ ифлосланиши натижасида содир бўлади.

Сурункали заҳарланишлар организмга оз миқдордаги заҳарларнинг узок вақт аста-секин йиғилиши натижасида юзага келади. Организмда зарарнинг ўзи йиғилиши ёки ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин. Масалан, бензолдан ўткир заҳарланишда асосан асаб тизими зарар кўради, сурункали заҳарланишда эса қон ишлаб чиқариш тизими зарарланади. Ўткир ва сурункали заҳарланишлар белгиларига кўра ўткир заҳарланишларга ўхшаш бўлса-да, бироқ аста-секин ривожланади ва бирмунча сурункали кечади.

Ишлаб чиқариш зарарлари бошқа салбий оқибатларга ҳам сабабчи бўлади. Улар организмнинг биологик қаршилигини пасайтиради, юқори нафас йўллари қатори, сил, юрак-томир тизим касалликлари ривожланишига имкон яратади. Ундан ташқари зарарли аллергик таъсир кўрсатиши натижасида бронхиал астма, экзема ва бошқа касалликлар келиб чиқади.

Синов саволлари:

1. *Чанг ва унинг инсон организмга қандай таъсири биласиз?*
2. *Заҳарли газларнинг ажралиб чиқиши сабабларини тушинтиринг?*

15-март. Ҳаводаги заҳарли моддаларга йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорларнинг меъёри

Режа:

1. Ҳаводаги заҳарли моддаларга йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар;
2. Заҳарли моддаларнинг организмга таъсири;
3. Заҳарли моддалар билан ишлайдиган шахслар учун меҳнат қонуни.

1. Ҳаводаги заҳарли моддаларга йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар. Давлат таълим стандартининг “Ишхона ҳавоси” бўлимида бу миқдор қуйидагича белгиланади: ишхона муҳити ҳавосида зарарли моддаларнинг 8 соат давомида ёки ҳафтасига 40 соатдан ошмаган меҳнат жараёнида, текшириш услублари билан аниқланадиган касалликлар ёки соғлиқ ҳолатидан четланишлар келтириб чиқармайдиган миқдорга йўл қўйилади. Заҳарли моддалар учун Йўл қўйилган миқдор (ЙҚМ) белиганланган бўлиб, уларни асослаб беришда замонавий илмий нуқтаи-назарлардан фойдаланилади, организмнинг нозик физиологик ва биохимик кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Меҳнат гигиенаси гигиеник меъёрлар, илмий техника тараққиёти ютуқларига асосланади, муҳандислик тафаккурини бирмунча мукамал технология ва ишлаб чиқариш ускуналари яратишга жалб этилади.

Зарарларнинг ЙҚМни асослашда:

- моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари;
- экспериментал текшириш натижалари;
- ишлаб чиқариш гигиеник кузатув маълумотларида ишчиларнинг соғ ҳолати ва касалланишига доир материаллардан фойдаланилади.

2. Заҳарли моддаларнинг организмга таъсири. Давлат стандартига асосан заҳарли моддалар организмга таъсир кўрсатиш даражасига қараб: ўта юқори, ўртача ва кам хавфли гуруҳларга бўлинади. Меҳнат шароитининг яхшиланиши кўпгина цехлар ҳавосида зарарли моддалар миқдорининг пасайишига, зарарланишнинг оғир кўринишлари камдан-кам учрайдиган ҳолларга олиб келмоқда. Касбий заҳарланишларга қарши курашда:

- технологик жараёнларда заҳарли моддалар ажралишини бартараф этиш;
- заҳарли моддаларни ҳавога ажралишини камайтирадиган янги технология ва автоматлаштиришни жорий этиш мумкин.

Замонавий фан-техника тараққиётининг ютуқларидан оқилона фойдаланиш технологик жараёнларнинг устидан назорат қилиш ҳамда автоматик усуллар билан олиб бориш имконини беради. Санитария-гигиеник тадбирларга: гигиеник стандартлаш, ҳаво таркибини назорат қилиб туриш, гигиеник талабларга қатъий амал қилиш, шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш, санитария бўйича инструкция бериш туриш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Заҳарланишларга қарши кураш санитария техникасининг энг кенг тарқалган тури – шамоллатиш усули катта аҳамиятга эга. Унга қўйиладиган асосий гигиеник талаб – заҳарли моддалар ҳосил бўладиган муҳитга тарқалган тақдирда эса, соф ҳаво бериш йўли билан миқдорини пасайтириб, зарарни кучсизлантиришдан иборат.

3. *Заҳарли моддалар билан ишлайдиган шахслар учун меҳнат қонуни.* Заҳарли моддалар билан ишлайдиган шахслар учун меҳнат қонунинда иш кунини чегаралаш, таътилнинг давомийлигини кўпайтириш, нафақага бирмунча эрта муддатда чиқариш каби чора-тадбирлар кўзда тутилади. Организмга зарарланишнинг хавfli таъсири юқори бўлган корхоналарда аёллар ва ўсмирларнинг ишлашига рухсат этилмайди. Иш зонасидаги заҳарли моддаларнинг ЙҚМ давлат томонидан белгилаган. ЙҚМ завод, фабрика ва бошқа муассасалар учун мажбурийдир.

Касбга доир зарарланишларни ҳисобга олиш ва қайд қилиш мажбурий ҳисобланади. “Корхоналарда кўнгилсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ҳар бир зарарланиш ҳодисаси текширилиши ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши керак. Уларга биринчи навбатда, ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва махсус овқатланишни ташкил этиш киради. Меҳнат шароити бўйича иш жойларини баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлининг 1993 йил 25 февралдаги 2/18 сонли қарори асосида амалга оширилади.

Синов саволлари:

1. *Ҳаводаги заҳарли моддаларга йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар қандай аниқланади?*

2. *Заҳарли моддаларнинг инсон организмга таъсирини изоҳлаб беринг.*

3. *Заҳарли моддалар билан ишлайдиган шахслар учун меҳнат қонунинда асосан нималарга эътибор берилган?*

16-маъруза. Гидрометеорологик кузатиш ишларини бажаришда кўриладиган хавфсизлик чоралари

Режа:

1. *Текислик дарёлардаги гидрологик кузатишларни бажариш;*

2. *Тоғ дарёлардаги гидрологик кузатишлар бажариш.*

Дарёларда гидрологик кузатиш ишларини олиб бориш шароити қатор талабларга жавоб бериши, яъни гидрологик тавсиф ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот бўлиши, бажариладиган иш хавфсизлик ва қулай шароитлар билан таъминланиши зарур.

Юқорида қайд этилган ишларни бажарилиш шароитига боғлиқ ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. *Текислик ҳудудида жойлашган дарёлардаги гидрологик кузатишлар;*

